

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ПОЧТА АЛОҚАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ”

йўналиши

“ЭЛЕКТРОН ХУКУМАТ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ - 2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИР ЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ЭЛЕКТРОН ХУКУМАТ” модули
бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20__ йил _____даги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТАТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси
катта ўқитувчиси О.Н.Джураев,
ТАТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси
катта ўқитувчиси А.Э.Кувнаков,
ТАТУ, “Ахборот технологиялари” кафедраси
ассистенти А.И.Абдуллаев

Тақризчи: ТАТУ, АКТ бўйича маслаҳатчи проректори,
Жанубий Кореялик мутахассис Ли Чул Су

Ўқув -услугий мажмуа Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (20__ йил _____даги __ - сонли баённома)

МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
Методлари

3

Назарий
Материаллар

4

Амалий
Машғулот
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил
Таълим
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар Рўйхати

І БЇЛИМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошади.

Масалан, Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёд, Швецияда 7 фоизни, Америка Қўшма Штатларида эса 6,8 фоизни ташкил этади.

Сўнгги йилларда иқтисодийетимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамасдан, ҳозирги вақтда биз бу борада дастлабки босқичда турганимизни тан олишимиз даркор. Яъни, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 2 фоизга яқини ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ахборот коммуникация технологиялари тараққий этиши билан ҳаётимизни қулайликлар билан бойитиш мақсадида тақдим этилаётган тежамкор ва ишончли имкониятлардан бири «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилишидир. Маълумки, «Электрон ҳукумат» тизими жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намоён этиб улгурган тизим ҳисобланади. Республикамизда ҳам кенг миқёсда ривожланиб бораётган мазкур тизим мамлакатимиз давлат ҳокимияти органлари, бизнес соҳаси, айниқса, фуқароларга турли давлат хизматларини кўрсатиш билан ахборот хизматини тақдим этади. Шу муносабат олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришда «Электрон ҳукумат» модулининг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ушбу дастурда Электрон ҳукумат таҳлили ва жорий этиш, БМТнинг “Электрон ҳукумат ривожланиш индекси” рейтинги, Электрон ҳукумат жорий этишнинг жаҳон тажрибаси, Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳукумат” тизими ривожланиш босқичлари, архитектураси ва бошқарув схемаси, Электрон ҳукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиш, “Электрон ҳукумат” тизими доирасидаги ахборот тизимлари комплекслари ва маълумотлар базаларидан амалиётда фойдаланиш баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Электрон ҳукумат модулининг мақсад ва вазифалари:

Модулнинг мақсади – Электрон ҳукумат бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириш.

Модулнинг вазифалари – олий таълим муассасалари педагог кадрларида электрон ҳукумат ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Электрон ҳукумат” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Электрон ҳукумат таҳлили ва жорий этиш;
- БМТнинг “Электрон ҳукумат ривожланиш индекси” рейтинги;
- Электрон ҳукумат жорий этишнинг жаҳон тажрибаси;
- Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳукумат” тизими ривожланиш бошқичлари, архитектураси ва бошқарув схемаси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- Электрон ҳукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари комплексларидан фойдаланиш;
- Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ишлаш;
- “Электрон ҳукумат” тизими доирасидаги маълумотлар базаларидан амалиётда фойдаланиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- Электрон ҳукумат лойиҳаларини яратиш;
- “Электрон ҳукумат” тизими ишлаш самарадорлигини ошириш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Электрон ҳукумат” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Электрон ҳукумат” модули мазмуни ўқув режадаги “Дастурий инжиниринг” ва “Ахборот хавфсизлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг электрон ҳукумат бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон ҳукуматни жорий этишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		Амалий машғулот	
			Жами	Назарий		
1.	Электрон ҳукумат таҳлили ва жорий этиш	2	2	2		
2.	Электрон ҳукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари	2	2	2		
3.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz дан амалиётда фойдаланиш	2	2		2	
4.	Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали e-kommunal.uz дан амалиётда фойдаланиш	2	2		2	2
5.	Электрон ҳукумат тизими интерактив хизматларини ташкил этиш	6	4		2	2
	Жами:	14	12	4	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - мавзу: Электрон ҳукумат таҳлили ва жорий этиш.

Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари. Электрон ҳукумат таърифлари. Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари. Электрон ҳукуматнинг асосий принциплари. BPR - Бизнес жараёнларни мақбуллаштириш. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият ва хавф омиллари. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Электрон ҳукумат жорий этишнинг жаҳон тажрибаси.

2-мавзу: Электрон ҳукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари.

БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги. Онлайн хизматлар индекси. Телекоммуникация инфратузилмаси индекси. Инсон капитали индекси. Электрон ҳукумат ўзаро муносабат шакллари. Government-to-Government (G2G) модули. Government to Business (G2B) модули. Government to Citizens (G2C) модули. Электрон ҳукумат инфратузилмаси. Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуалари. Давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали. Электрон ҳукуматнинг маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz дан амалиётда фойдаланиш.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталини амалда қўллаш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш. Тингловчилар my.gov.uz портали, яъни Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан ID.uz ягона идентификация тизим орқали рўйхатдан ўтиши керак бўлади ҳамда интерактив хизматлар орқали давлат ташкилотига мурожаат этиши лозим.

2-амалий машғулот. Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали e-kommunal.uz дан амалиётда фойдаланиш

Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталини таҳлил қилиш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, коммунал хизматларини ягона ойна кўринишида интерактив хизматларни ўрганишга бағишланган. Тингловчилар e-kommunal.uz, яъни Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталидан ID.uz ягона идентификация тизим орқали рўйхатдан ўтиши керак бўлади ҳамда электрон хисоблагичларни профилга киритиб онлайн тўловни амалга ошириши лозим.

3-амалий машғулот. Электрон ҳукумат тизими интерактив хизматларини ташкил этиш

Янги хизматнини структуравий таҳлил қилиш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, кутилиши режалаштирилган натижалар ва тизимнинг идивидуал таснифларини ўрганишга бағишланган. Тингловчилар BPWin дастурини ўрнатиши ва янги хизматнинг қадамларини аниқлаши лозим.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Намуна: Электрон ҳукумат онлайн хизматларининг **SWOT** таҳлили.

Кучли томонлари (S)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Инновация 2. Юқори технологияларга асослаган иқтисодиёт 3. Иш хақи харажатларининг қисқариши 4. Давлат бошқарувининг шаффофлиги 5. Давлат органи ходимларининг кундалик иш хажмининг қисқариши 6. Фуқароларнинг давлат органлари ходимларига боғлиқлигини камайиши 7. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг ошиши
Кучсиз томонлари (W)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Баъзи давлат органлари веб-сайтлари фойдаланувчи учун қулай эмас 2. Саводхонликнинг паст даражаси 3. АТ мутахассисларининг камлиги 4. Телекоммуникацион инфратузилманинг яхши эмаслиги
Имкониятлари (O)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сиёсий тайёрлиги 2. Кенг полосали боғланиш 3. Шахс ва гуруҳларнинг аниқ эҳтиёжларини қондириш 4. Коррупциянинг камайиши 5. АТ соҳасидаги мутахассис ишга жойлашиш имкониятининг ошиши 6. Самарадорликни ошириш йўлида бизнес жараёнларни реинжиниринг қилиш
Тўсиқлар (T)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кибер жиноятлар 2. АТга боғлиқлик 3. Хавфсизлик 4. Ижтимоий ва этик муаммолар

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган таркатма материалларни таркатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Намуна:

Электрон ҳукумат тизимлари					
G2C тизимлар		G2B тизимлар		G2G тизимлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, хал этиш йўллариини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллариини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. “Электрон ҳукумат” тизими бўйича “Таълим” ахборот тизимлари комплекси.

Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги "Таълим" ахборот тизимлари комплексининг аҳамиятини аниқланг. (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- "Таълим" ахборот тизимлари комплексининг ишлашини тавсифланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: G2C модели асосидаги давлат интерактив хизматлари.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталини тўғри кўрсатиш.

- a) www.data.gov.uz b) www.my.gov.uz
c) www.open.data.uz d) www.data.uz



Қиёсий таҳлил

Электрон ҳукумат тизими G2C моделини таҳлил қилиш.



Тушунча таҳлили

- BPR тушунчасини таҳлил қилиш



Амалий кўникма

- Ягона давлат интерактив хизматлар порталидан амалда фойдаланиш

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулик изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Government to Citizen	Давлат бошқаруви органлари билан юридик шахслар (тадбиркорлар) ўртасидаги муносабатлар	
Government to Business	Интеграллашган маълумотлар базаси ёрдамида давлат органлари ва идоралари ўртасида маълумот алмашиш ва онлайн режимида муносабатни амалга ошириш имконини беради.	
Government to Government	Давлат органлари ходимлари билан давлат органи ички муносабатларини бошқариш	
Government to Employees	Билимларни бошқариш тизими - билимларни бошқариш тамойилларидан фойдаланиш ва қўллаш тизими ҳисобланади.	
Knowledge Management System	BPR – бу жорий регламентларни унумдорлигини максимал даражада ошириш мақсадида, уларни ташкилотнинг ўз вазифасини бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини тубдан мақбуллаштириш орқали бутунлай қайтадан лойиҳалаштиришдир.	
Business Process Reengineering	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент филтрлар, интернетга боғланиш)	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтингини



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ш БЎЛИМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Электрон ҳукумат таҳлили ва жорий этиш.

Режа:

- 1.1. Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари.
- 1.2. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият ва хавф омиллари.
- 1.3. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- 1.4. Электрон ҳукумат жорий этишнинг жаҳон тажрибаси.

Таянч иборалар: Электрон ҳукумат, давлат интерактив хизматлари, Business Process Reengineering, транзакция, “бир дарча” принципи, давлат органларининг шаффофлиги, ягона идентификатор.

1.1. Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари

Электрон ҳукумат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидир.

Электрон ҳукуматнинг бир қанча таърифланишлари мавжуд. Кенг маънода, электрон ҳукуматнинг вазифалари ва хизматлар кўрсатиши ҳамда фаолиятини ривожлантириш учун АКТни қўллаш сифатида белгиланиши мумкин.

Ўзига хос равишда, электрон ҳукуматни “давлат органлари кўрсатаётган хизматларнинг шаффофлиги, самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш” деб тушуниш мумкин. Шунингдек, электрон ҳукумат АКТни қўллаган ҳолда давлат органларининг янада самарали фаолият кўрсатиши ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига сифатли хизматлар кўрсатишидир.

Электрон ҳукумат атамаларини қуйидаги тўртта асосий қисмлари орқали умумлаштириш мумкин. Электрон ҳукумат қуйидагича тавсифланади¹.

1. АКТ дан фойдаланиш (компютер тармоқлари, интернет, факс ва телефон).
2. Ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлаш (ахборот билан таъминлаш, хизматлар, маҳсулотлар, мамурий бошқарув).
3. Фуқаролар билан ҳукумат муносабатларини ривожлантириш (янги алоқа каналларини яратиш, сиёсий ёки маъмурий жараёнларига

¹ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–17

фуқароларни тарғибот ва ташвиқотлар орқали жалб қилиш)

4. Белгиланган стратегияларга мос равишда иштирокчиларни жараёнларда қатнашиш қийматини белгилаш.

Жадвал 1.1

Электрон ҳукумат таърифлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	Электрон ҳукумат фуқароларга давлат органлари томонидан ахборот ва хизматларини етказиб бериш учун Интернет фойдаланиш деб таърифланган.
Жаҳон банки	Электрон ҳукумат давлат органлари ахборот технологияларидан фойдаланиб фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашни назарда тутди. Ушбу технологиялар турли мақсадларга хизмат қилиши мумкин: фуқароларга давлат хизматларини яхшироқ етказиб бериш, бизнес ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мулоқотни такомиллаштириш, керакли маълумотларни олиш орқали фуқаро ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ёки янада самарали давлат бошқарувини амалга ошириш.
Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Электрон ҳукумат термини ҳукумат томонидан АКТдан фойдаланиб, бир қатор амалий функцияларини тўлақонли бажариши назарда тутди. Хусусан, Интернет ва тегишли технологиялар томонидан таклиф этилган тармоқ салоҳияти тузилмалари ва ҳукуматнинг ишлаш жараёнини трансформацияси тушунилади.

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

- ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш;

- тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан

фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

- нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожлантириш.

Электрон ҳукуматнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги;
- электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши;

- «бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;
- давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;
- электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;
- электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Электрон ҳукумат имкониятларини амалга ошириш мақсадида кўпгина давлатлар ўзларининг электрон ҳукуматни ривожлантириш сиёсий режаларига киритишмоқда. Дастлабки эътибор АКТдан фойдаланиш орқали давлат ишлари самарадорлигини оширишга берилди. Шу билан бирга, электрон ҳукумат хизматларига давлат томонидан чекланган инвестициялар таъсири натижасида, 2000 йилнинг ўрталарида фуқарога йўналтирилган ёндашув томон натижалар ўзгарди. Ушбу ёндашув натижасида ҳукумат хизматларини етказиб бериш жараёнида фуқароларнинг давлат хизматларига турли эҳтиёжларининг мослигини таъминлаш биринчи ўринга қўйилганлиги орқали сезиларли ўзгаришларга сабабчи бўлди. Бугунги кунда электрон ҳукумат нафақат давлат сектори вазифаларини ва жараёнларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун бир муҳим восита, балки ҳукуматни ўзгартиришга ва хизмат ишлаб чиқиш ва етказиб бериш учун янги ёндашувларни яратишда асосий ҳисобланади.

Умуман олганда, онлайн хизматларнинг кўпайиши, ушбу хизматлардан янада кенгроқ фойдаланиш, ўз навбатида электрон ҳукумат тизимининг таъсири катта эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб, электрон ҳукумат, ҳукумат шаффофлиги ва ички самарадорликка таъсир этиб барқарор ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ээлектрон фуқаролар ва электрон бизнес иштирокчиларининг муҳим оммаси мавжуд бўлишлигини талаб қилади. Электрон ҳукумат хизматлари фойдаланувчиларининг муҳим оммасининг кўпайиши, анаънавий хизмат кўрсатиш усулидан воз кечиб, электрон ҳукумат хизмати кўрсатиш усулига ўтиб кетишлари талаб этилади

ва бу жараён осонлик билан амалга ошмайди. Жаҳон банки электрон фуқаролар ва электрон бизнес иштирокчиларига онлайн хизматларни кўпайтириш ҳамда улардан фойдаланиш муҳимлиги ҳақидаги изланишларни олиб борди ва қуйидагини аниқлади: 5-10 йил олдин биринчи мартаба электрон ҳукуматни жорий этган кўпгина давлатлар шундай хулосага келдиларки жамоага, электрон ҳукумат тизими ушбу соҳага давлат томонидан таклиф этилаётган сармоялар ёрдамида давлат хизматларини Интернет тизимида онлайн кўринишда тақдим этишига қарамасдан хизматларидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолаётганлигини таъкидладилар.

Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш, ишлатишда қачонки кўпчилик аҳолининг талаблари ва улар томонидан қўллаб-қувватланиши имкониятлари бўлсагина тизим муваффақиятга эришади. Аҳоли талабларининг бир қисми аҳолининг ушбу тизим ҳақидаги билимларининг етарли бўлганлиги, унинг имкониятлари ҳамда давлат хизматларини тезда ва яхши хизмат кўрсатиш орқали амалга оширилади. Фуқаро ва тадбиркорлар э-ҳукумати тизматларидан фойдаланишда қизиқишлари ёки мотивациялари, актуал, осон олиш мумкин бўлган рақамли контент хизматларини тақдим этишлари лозим.

Булардан ташқари давлат жамоага электрон кўринишдаги хизматларга бўлган ишончни оширишини маълумотларни химоялаш ва унинг конфиденциаллигини таъминлашини назарда тутиши керак.

Хусусан, қуйидаги электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланиш талаблари ва қўллаб қувватлаш даражасини оширишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- Кўп каналли ягона ойна умумий хизматларни етказиб бериш инфратузилмасини, автоном равишда жамоага хизмат кўрсатиш маркази ва жойлари, жумладан телемарказлар, чақирувларни қайта ишлаш марказлари, веб ва мобил порталларини ишлаб чиқиш;
- АКТ иштирок этган операцияларни ва рақамли муҳитдаги барча ўзаро муносабатларга жамоа томонидан ишонч билдирадиган чораларни амалга ошириш;
- Белгиланган талабларни қониқтирадиган, қулай контент ва хизматлар, шу жумладан “иловалар ишлашини тугатувчи” деб аталувчи дастурларни ишлаб чиқарувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- Электрон хизматларнинг ва имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш.

1.2. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият ва хавф омиллари.

Электрон ҳукумат тизимининг мамлакатда муваффақиятли амалга оширилганлигини қуйидаги 4 та мақсадларнинг бажарилганлиги асосида баҳо бериш мумкин:

- Онлайн ҳукумат хизмати

- Қоғозсиз ҳукумат
- Билимга асосланган ҳукумат
- Шаффоф ҳукумат

Ушбу тўртта мақсадларга эришиш учун электрон ҳукумат тизими ҳукуматнинг бир неча даражаларида ташкиллаштирилган бўлиши лозим. Ҳукумат бошқарувининг ҳар бир даражасида бажариладиган 3 та асосий вазифалар мавжуд: (1) инновацион фуқаро хизматлари (G2C); (2) инновацион бизнес хизматлари (G2B); (3) инновацион ҳукумат ичидаги ишлари (G2G, G2E). Электрон ҳукуматининг бир неча қирралари мавжуд ва фойдаланувчилар ва уларнинг ўзаро муносабатлари асосида куйидагича характерланади.

- Давлат→фуқароларга (G2C) фуқаролар турли маълумотлар, хизматлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланадилар.

- Давлат→бизнесга (G2B) ҳукумат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро бир қатор алоқаларни таъминлайди.

- Давлат→давлатга (G2G) давлат ичида ёки давлат идоралари ўртасидаги турли ахборотларни алмашиш ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни таъминлаш.

- Давлат→ходимларга (G2E) ички жараёнларини соддалаштириш ва фуқаролик хизмати, давлат ва унинг ходимлари ўртасидаги алоқа бошқарувини осонлаштириш орқали унумдорлигини оширади.

Фуқаролар билан ўзаро муносабати нуқтаи назаридан ва кўрсатилаётган хизматлар кўриниши жиҳатидан электрон ҳукумат тизими хизматларини кўрсатиш бўйича мантиқан икки қисмга ажратилиши мумкин: офис-олди ва офис-орқаси. Электрон ҳукумат тизими турли хизматларни кўрсатишнинг офис-олди кўринишида хизматларни етказиб бериш, ахборот ва хизматларини етказиб берувчиларни кўриши, давлат билан фуқаро ва бизнес ўзаро муносабатларини кўриш ва бошқаришни англатади. G2B ҳукумат ва бизнес ўртасида турли операцияларни ўз ичига олади, G2C эса, фуқароларга ахборот тарқатишни ва давлат хизматларини етказиб беришни ўз ичига олади. АКТ асосида фаоллаштирилган G2C хизматлар ҳукумат томонидан ахборот алмашиш тизими ва фуқаролар учун бир-ойна онлайн портали орқали ахборот ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун имконият яратувчи иловалар орқали етказиб беради. Бундай портал фуқаролар учун куйидаги хизматларни тақдим этиши мумкин²:

- Турли рухсатномалар/лицензиялар ва сертификатлар бериш;

- Қонун/маъмурий огоҳлантиришлар ва тегишли қонунлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш;

- Тўлов хизматлари, солиқларни қайтариш ва ижтимоий коммунал тўловлар;

- Электрон маслаҳат, электрон муҳокама, электрон сайлов орқали давлат ишларида иштирок этиш имкониятларини бериш.

² e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–19-20

Фукарога йўналтирилган портални ва жамоат маълумотларини алмашиш тизимини, жамоатни бошқариш, яшовчиларни ҳисобга олиш, кўчмас мулк ҳисоби, автомашиналарни рўйхатга олиш, солиқ ва суғурталар каби маълумотларни ўз ичига олган асосий маълумотлар базасини яратиш ва уларни бир-бирига боғлаш ишларини амалга ошириш.

Электрон G2B хизматлар корпоратив фуқаролик маъмурий ишлар, саноат ахборот таъминланиши ва турли солиқ ва давлат тўловлари учун харидлар, таклиф ва мукофотлар, тўлов хизматлар, электрон операция хизматларини ўз ичига олади. Бошқа хизматлардан фарқли, қуйидаги АКТ иловалар самарали электрон G2B хизматини етказиб бериш учун талаб этилади:

- Интеграциялашган электрон харидлар тизимида рўйхатга олиш, тендер, шартнома ва барча харидлари билан боғлиқ жараёнлар, ягона-ойна давлат харидлари тизими орқали амалга оширилади.

- Электрон божхона тизими - импорт ва экспорт жараёнларидаги божхона бошқарувини қоғозсиз амалга ошириш ҳамда божхона томонидан ноқонуний хизматларни кўрсатишга қарши восита деб белгилаб берадиган тизим.

- Электрон савдо тизими товарлар ва хизматлар савдосини қўллаб-қувватловчи онлайн тизим.

Офис-орти хизматлари. Асосан ҳукумат асосий жараёнларини, жамоатчилик учун кўринмаслиги ва бир давлатнинг ички жараёнларини ўз ичига олади. Давлатларда электрон ҳукуматни амалга ошириш бир неча офис-орти тизимлари ислохотлари билан ҳамоҳанг равишда олиб борилиши лозим. Электрон ҳукуматда бундай ислохотлар электрон ҳукумат тизими муваффақиятли бўлиши учун зарур омиллар ҳисобланади.

Электрон G2G ички хизматларни етказиб бериш жараёнларини соддалаштириш ва самарадорликни ошириш учун хизмат қилади. Мос равишда АКТдан фойдаланиш орқали давлат иш жараёнлари қуйидаги натижаларга эга бўлиши кутилади:

- Марказий ва маҳаллий давлат ташкилотлари ҳисобот тизимларининг боғланганлиги тизимнинг тўғри ва аниқ равишда сўровларни қабул қилишига олиб келади;

- Маълумотлар базасидаги маълумотларнинг аламашиши хизмат кўрсатувчи тизим самарадорлигини ошишига сабабчи бўлади;

- Давлат органлари орасидаги ғоя ва ресурсларни ўзаро ишлатиш;

- Онлайн ҳамкорлик тизими орқали қарор қабул қилишда ҳамкорлик қилиш³.

Давлат идораларида ҳужжат айланишини электронлаштириш ва ҳукуматнинг қоғозсиз амалиётлар томон ҳаракати G2Gнинг асосий ташаббуси ҳисобланади. Электрон ҳужжат алмашинувини киритиш маълумотларни тезроқ, кўпроқ, самарали, хавфсиз ва ишончли бошқаруви

³ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–21

асосида амалларни бажаришга олиб келиши кутилмоқда. Қуйида Корея Республикасида G2G хизматларига мисол келтириш мумкин.

Интеграциялашган миллий молия ахборот тизими: Турли давлат идораларида реал вақтда бошқарилувчи молия соҳасига тегишли бўлган тизимлар бир-бирига ўзаро боғлаш орқали ташкил қилинган. Таъкидлаш жоизки аввал ушбу тизимлар алоҳида бўлган.

Маҳаллий электрон ҳукумат ахборот тизими: 21 та маъмурий ишларни стандартлаштириш ва ахборотлаштириш орқали 244 та маҳаллий ҳукумат бошқаруви тизимига хизматлар киритилган: истиқомат қилувчини рўйхатдан ўтказиш, кўчмас мулк, молия ва солиқ солиш мамлакат ва туманлар даражасида ташкил этилди.

Таълим ахборот тизими ва электрон ўрганиш: Мактаблар, таълим вилоят офислари ва уларнинг туман идоралари, Таълим вазирлиги ва инсон ресурсларини ривожлантириш муассасалари ўртасида умуммиллий ахборот тармоғи.

Ҳукумат электрон ҳужжат алмашинуви: электрон қайта ишлаш, барча давлат ҳужжатларини тайёрлаш, тасдиқлаш, сақлаш ва тарқатиш.

G2G тизимлар қуйидагиларни талаб қилади:

- иш жараёнларини электрон кўринишда бажарилишини ташкил этиш;
- Электрон ҳужжатларни қайта ишлаш;
- Билимларни бошқариш тизимлари;
- Бек-офисларнинг интеграцияси.

Электрон ҳукуматнинг муваффақият омиллари

Электрон ҳукуматнинг муваффақият омиллари бешта асосий гуруҳларга бўлинади:

Келажакни кўриш қобилияти, стратегия ва аниқ мақсадлар

Электрон ҳукуматни муваффақиятли амалга оширилишида аниқ мақсад ва АКТ стратегиясига асосланиб режа тузилади. Электрон ҳукуматни яратишда амалга ошириш босқич кўникмаларини билиш керак бўлади.

Электрон ҳукумат стратегиясидаги муҳим ғоя бу “яхлит ҳокимият” ёндашувидир. Бу ёндашув фуқароларнинг ва тадбиркорларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил қилинади. Яхлит ҳокимият ёндашуви фуқаро ва тадбиркорлар билан ишлашда инфратузилмага ортиқча сарф қилинадиган кераксиз инвестицияларни олдини олади⁴.

Қисқача айтганда, муваффақиятли электрон ҳукумат қуйидагиларни талаб қилади:

- Етакчиларнинг келажакни аниқ кўриши;
- Фуқаролар томонидан кучли қўллаб-қувватлаш;
- Ресурсларга асосланган ҳолда тузилган яхши стратегия;

Қонун ва йўриқномалар

Ҳукумат лойиҳаларини яратишда қонунчилик ёки тартибга солувчи меъёри-ҳуқуқий асослар талаб қилинади, чунки бир қанча йил олдин

⁴ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–24

яратилган қонунлар янги электрон хизматларни тадбиқ қилишда тўғри келмайди. Электрон ҳужжатлар ва транзакцияларни расмий тан олиш учун қонунларни янгилаш ёки янги қонунларни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ва йўриқномаларни ташкил қилишда аниқ мақсадлар зарурдир, чунки аниқ режалар электрон ҳукуматни қўллаб қувватлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Янги лойиҳалар учун янги қонуний ўзгартириш киритишнинг режасини тузиш ҳам кўп вақтни талаб қилади. Шунинг учун электрон ҳукумат муваффақиятга эришишида қуйидаги қонунлар қабул қилиниши керак:

- Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун;
- Махфийлик ва унга доир муаммолар тўғрисидаги қонун;
- Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонун;
- Ахборот тизимлари ва бизнес жараёнлардаги ўзгаришларга доир қонун;
- Ҳукумат АКТ инфраструктураси ва интеграциялашган маълумотлар марказига асос солиш тўғрисидаги қонун;

Ташкилотлараро келишув

Ташкилотлараро келишув структураси маълум йўналишдаги ташкилотларга йўл кўрсатувчи механизмдир. Бу келишув жуда ҳам муҳимдир чунки ҳукумат билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Бу келишув ҳамкорлик ва тезкор амалга оширишни таъминлашни талаб этади.

Ташкил этувчилик характериға эга бўлган келишувни режалаштириш учун қуйидагилар муҳимдир:

- Мажбуриятга асосланиб мустаҳкам ҳамкорликни химоя қилиш;
- Ахборот технологиялар бошқарувини режалаштириш ва менежментини ўзгартириш;
- Бюджетни шакллантириш ва уни амалга ошириш;
- Мувофиқлик ва ҳамкорлик;
- Мониторинг ва ишнинг сифатини баҳолаш;
- Технологияни етказиб берувчи ташкилотни бошқариш;
- Ҳукумат хусусий сектори ва фуқаролар ҳамкорлиги.

BPR - Бизнес жараёнларни мақбуллаштириш⁵

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифаси ҳукуматни янгидан тузиш ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, муваффақиятли электрон ҳукумат бизнес жараёнларга асосланади. Бизнес жараёнидаги инновация бу BPR (Business Process Reengineering)дир. BPR бу - ишни олиб бориш жараёни оқими ёки поғоналараро оқимини қайта ишлаб чиқиш билан жараённинг самарадорлигини ошириш тушунилади (расм 1.1).

⁵ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–25



Расм 1.1. Бизнес жараёнлари мақбуллаштирилиши методикаси

Давлат хизматларини ягона портал орқали интерактив шаклга ўтказиш баробарида хизмат кўрсатиш жараёнларини мақбуллаштириш устувор ва бирламчи вазифа ҳисобланади.

Давлат ва хўжалик хизматларини кўрсатишда инсон омили аралашувини, бюрократик тўсиқларни кескин камайтириш, меъёрий ҳужжатлардаги номутаносибликларни бартараф этиш тушунилади.

Хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартириш, нархларини арзонлаштириш ва тартиботларини соддалаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш саналади.

Электрон ҳукуматни тадбиқ қилишда ҳавф омиллари⁶

Кўпгина мамлакатларда электрон ҳукуматни жорий этишда кутилган натижаларга эришилмаган. Электрон ҳукуматни жорий этишдаги ҳавфлар фуқаролар ва ҳукумат томонидаги ҳавфларга бўлиниши мумкин.

Умуман олганда фуқаролар томонидаги ҳавфларга қуйидагилар киради:

- Рақамли тенгсизлик
- Билимлар етишмаслиги
- Фойдаланишда қулай эмаслиги
- Рағбатлантиришларнинг етишмаслиги
- Ишончнинг етишмаслиги
- Тушунмовчилик

Ҳукумат томонидаги ҳавфларга қуйидагилар киради:

- Мураккаблик
- Вазирлик тизимларининг тўлиқ интеграция бўлмаганлиги
- Қобилият етишмовчилиги
- Инсон ресурсларининг чекланганлиги

⁶ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–26-27

- Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бутун дунё бўйича 35 фоиз электрон ҳукумат лойиҳалари муваффақиятсизликка учраган, 50 фоизи қисман ва фақатгина 15 фоизи эса тўлиқ муваффақиятга эришган. Ривожланаётган давлатларда электрон ҳукуматни жорий этишда муваффақиятсизликка олиб боровчи омиллар куйидагилар ҳисобланади:

- Давлат органлари билан ҳамкорликнинг етишмаслиги
- Шароитга мос бўлмаган режалар ва стратегиялар
- Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги
- Инвестиция режасининг йўқлиги
- Янги технологиялар етишмаслиги
- Тайёргарликсиз тезкорлик билан амалга ошириш.

Электрон ҳукуматни тўлиқ ишга тушириш жуда мураккаб жараён, чунки янги ахборот тизимларининг тадбиқ қилиниши аҳоли учун янгилик ҳисобланади.

Ҳукумат ўзининг имконият ва тайёргарликларидан келиб чиқиб электрон ҳукуматни амалга ошириш режасини тузиб чиқади. Осиё давлатлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқарув аппаратлари турли хил бўлишига қараб характерланади ва ҳар бир мамлакатнинг ўз вазиятидан келиб чиқиб турли хил ёндашувлар қабул қилиниши талаб этилади.

Электрон ҳукуматни амалга ошириш

Юқорида таъкидланганидек, электрон ҳукуматни амалга ошириш давомий жараёндир. Электрон ҳукуматни ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилади. Электрон ҳукумат бир нечта кетма-кет бўлмаган босқичлар тўплами ҳисобланиб, ошиб бораётган имкониятлар даражаси, билимлар ва инфратузилмага асосланган. Оммага маълум моделлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон Банки томонидан ишлаб чиқилган. Улар электрон ҳукуматни тадрижий жараён сифатида кўришади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тадқиқотида кўра электрон ҳукумат ўсишини аниқлашда бешта босқич мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, электрон ҳукуматни амалга ошириш босқичлари ҳукуматнинг тайёргарлик даражаси бўлиб, асосан аниқ мақсад ва расмий веб-сайтлар орқали таъминланадиган онлайн хизматларга асосланади⁷.

1. Пайдо бўлиш: Интернетда бир нечта мустақил бўлган расмий веб-сайтлар ташкил этилади. Ахборотларнинг чекланганлиги ва асосан статик сайтлардир.
2. Кенгайтирилган: Давлат органлари веб-сайтларида маълумотлар ҳажмининг ошиши, ахборотлар кўпроқ динамик ҳолатда ўзгаради.
3. Интерактив: Фойдаланувчилар шаклларни юклаб олиши, интерактив хизматлардан фойдаланиши мумкин.
4. Транзакциялашган: Фойдаланувчилар хизматлар учун онлайн тарзда тўлов ва молиявий транзакцияларни амалга ошириш имкониятига эга

⁷ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–29

бўлади.

5. Ягона: Давлат органлари ахборот тизимларининг тўлиқ интеграцияси.

Жахон Банки электрон ҳукуматни амалга ошириш жараёнини урта босқичга бўлади. Бу босқичлар бир-бирига мутлақо боғлиқ эмас, яъни, бир босқич тугалланмасдан иккинчи босқични бошлаш мумкин.

1. Нашр этиш: Иложи борича кўпроқ оммага ҳукумат ҳақида ахборотни ва тарқатиш. Давлат порталлари электрон ҳукуматнинг асосий хизматчиси вазифасини ўтайди.
2. Интерактив: Интерактив электрон ҳукумат икки томонлама алоқани ўз ичига олади, мисол қилиб ҳукумат ишчилари учун e-mail контакт каби бошланғич функцияларни ёки сиёсий ва қонуний таклифларга доир фойдаланувчиларнинг фикр билдириши учун шароит яратиб бериш ҳисобланади.
3. Транзакция: фуқаролар ҳукумат интерактив хизматларидан фойдаланиши ҳамда онлайн тўловлар ва электрон ҳисоботларни жўнатиши мумкин⁸.

1.3. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Айниқса, давлат бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, электрон ҳукуматини шакллантириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Электрон ҳукуматни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон хужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

2013 йил 1 июлда жорий қилинган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қанчадан-қанча аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи 267 дан ортиқ интерактив давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатила бошланди. Ушбу хизматлар аҳамиятини ўтган давр мобайнида фойдаланувчилар томонидан порталга 564 минг мурожаат қилинганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Таълим, банк-молия, божхона, солиқ ва суд-ҳуқуқ тизимларида

⁸ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–29

замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши бугунги кунда юқори самара бермоқда.

Электрон ҳукумат иштирокчиларининг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик, давлат хизматларини сифатли кўрсатилишига хизмат қилувчи марказлашган маълумот базаларини тўлиқ шакллантириш, давлат органларининг ўз ишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини етарли даражада жорий қилиш, аҳоли ва тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда "бир дарча" тамойилидан тўлиқ фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш учун "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистан Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади давлат хизматларини кўрсатишда аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини кўзлаш, уларга кенг қулайликлар яратиш, уларнинг вақтларини тежаш, беҳуда оворагарчиликлар ва ортиқча сарф-харажатларни камайтириш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат. Қонун электрон давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида давлат органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиди.

Қонун 5 та боб ва 34 та моддадан иборат. Қонунда унинг мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалари, электрон ҳукуматнинг асосий принциплари, унинг ишини ташкиллаштириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишга қўйиладиган талабларга оид нормалар белгиланган. Шунингдек, Қонунда электрон ҳукумат инфратузилмаси, бу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат органларининг электрон ҳукумат доирасидаги ўзаро ҳамкорлигига оид муносабатлар тартибга солинган.

Электрон ҳукумат, давлат хизмати, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш, электрон давлат хизмати, электрон давлат хизматининг регламенти, электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари каби тушунчалар қонунчиликка илк бор киритилмоқда ва уларга тегишли таъриф берилмоқда. Қонунда электрон ҳукумат тизимининг асосий принциплари мустахкамланган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши, "бир дарча" принципи бўйича электрон давлат хизматларини кўрсатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби принциплар шулар жумласидандир.

Қонунда электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш нормалари белгиланган. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасига электрон ҳукумат соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ушбу соҳадаги давлат дастурларини тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш вазифалари юкланган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган сифатида электрон ҳукумат принципларига мувофиқ электрон ҳукумат соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Давлат органларининг электрон Ҳукумат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради. Давлат органлари эса электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга

оширишда иштирок этадилар, ахборот ресурслари ва тизимларини, шунингдек, электрон давлат хизматларини жорий қилиш, ривожлантириш ва интеграциялашувини таъминлайди.

Қонунга мувофиқ фойдаланувчилар давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишлари ёки уларга интерактив давлат хизматлари кўрсатилиши мумкин. Қонунда ушбу электрон давлат хизматлари турларига талаблар, улардан фойдаланиш учун сўровлар юбориш тартиби, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Қонунда белгиланганидек, ахборот давлат хизмати аҳолининг ахборотга бўлган эhtiёжларини қаноатлантиришга қаратилган бўлиб, бунда давлат органлари ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб боради.

Интерактив давлат хизматининг жорий қилиниши эса, аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик сифатининг ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қонунда электрон давлат хизматларининг сифатини баҳолаш тартиби ҳамда баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда давлат органларининг электрон давлат хизматларининг сифатини ошириш чораларини кўриш учун мажбурлиги белгиланган. Бу эса давлат хизматларини кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириш принципига мос келади

Қонуннинг кўчга кириши орқали қуйидаги натижаларга эришилади:

Биринчидан, мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилиб, ушбу тизимни шакллантириш, тўлақонли ишлашини таъминлаш ва тизимли ривожлантиришга замин яратилади;

Иккинчидан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан тақиқлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш каби вазифалар ижроси таъминланишига асос бўлади;

Учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, жумладан бошқарув ва маъмурий иш унумдорлиги ошиб, уларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, очиклиги таъминланади. Пировардида халқнинг давлат органларига ишончи янада ортади.

Тўртинчидан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш қулайликлари ошади. Бинобарин, давлат органлари фаолиятига инновация ғоялари изчил жорий қилинади, бизнес соҳаси, ҳужжат айланиш механизмлари такомиллаштирилади, фуқароларга уйи ёки иш хонасидан туриб электрон шаклда мурожаат қилиш, маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятини берадиган интерактив хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуннинг кучга кириши юқорида

санаб ўтилган натижалар билан биргаликда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўли билан чет эл инвесторларини жалб қилишга, халқ фаровонлигини, юрт равнақини янада оширишга, мамлакатимизда барққарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

1.4. Электрон ҳукумат жорий этишнинг жаҳон тажрибаси

Жанубий Корея электрон ҳукуматни ривожлантиришда улкан муваффақиятга эришган давлат ҳисобланади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукумат институтларининг ҳамда аҳолининг давлат бошқарувидаги электрон иштирокининг ривожланганлик даражаси бўйича рейтингда биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам унинг тажрибаси сўнгги йилларда кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни шакллантириш бўйича ташаббус 2001-йилда юридик кучга эга бўлди. Мамлакатда электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ҳукумат органларининг ишида самардорликни оширишга қаратилган бўлиб, у уч босқичда амалга оширилиши лозим бўлган.

Биринчи босқичда (2001-2003) комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг натижасида Кореянинг ҳукумат органи ташқи дунё билан Интернет орқали учта асосий йўналишда-G2C (давлатдан-фуқарога), G2B (давлатдан-бизнесга) ва G2G (давлатдан-давлатга) схемалари бўйича алоқа қила бошлади.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви тизимида идоралараро электрон алоқаларни таъминлашга қаратилган ахборот-технологик архитектура ҳам ишлаб чиқилган. Унда, хусусан, электрон хужжат айланиши, электрон рақамли имзо ва бошқа технологиялар фаол қўлланилган. Умумий ҳисобда, биринчи босқич учун жами 225 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Натижада, Корея рақамли имкониятлар индекси бўйича жаҳонда 4-ўринга кўтарилиб олди.

Иккинчи босқичда (2003-2007) Корея ҳукумати ўз олдига анча катта мақсадни қўйган - дунё давлатлари ичида нисбатан очиқ ва шаффоф электрон ҳукуматни шакллантириш. Кореянинг “Электрон ҳукумат куришнинг миллий асослари ва тамойиллари” номли дастурига мувофиқ тўртта соҳага оид лойиҳалар ишга туширилган:

- давлат бошқаруви органларининг фаолият кўрсатиши
- давлат хизматларини кўрсатиш
- ахборот ресурсларини бошқариш
- қонун ижодкорлиги тизими

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 981 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланган. Натижалар кутилганидан ҳам аъло даражада бўлган.

2007-йилга келиб Кореяда марказий бошқарув органларининг 55

фоизида давлат аппаратининг 96,6 фоиз ходимлари ахборотларни қайта ишлашнинг миллий электрон тизими- “Он-Нара” (корейсча, онлайн-мамлакат) тизимидан фойдаланишга ўтган. Бунинг натижаси ўлароқ, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30-44 кундан 7-13 кунгача қисқарган.

Давлат тузилмаларида маълумотларни қайта ишлашнинг инновацион тизими - “Он-Нара” 2007-йилдан тўлиқ ишга тушган бўлиб, унинг олдида куйидаги мақсадлар қўйилган:

- маълумотларни қайта ишлаш ва алмашиш доирасида барча бошқарув жараёнларини стандартлаштириш;
- давлат органларининг марказлашмаган операцияларини бошқаришни ягона тизимга солиш;
- тизим иштирокчилари ўртасида ахборотларни алмашиш ва тарқатишни таъминловчи турли жараёнларни ўзаро боғлаш ва бир-бирига интеграция қилиш.

2008-йилдан учинчи босқич бошланган. Бу босқичда асосий эътибор барча мавжуд тизимлар ва турли даражадаги электрон ҳукуматлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларни бир-бирига интеграциясини таъминлашга қаратилган. Бу фуқароларга ва компанияларга комплекс давлат хизматларини тақдим қилиш имконини беради.

Ушбу босқичда Корея Республикаси бошқа давлатларга (жумладан, Эквадор, Индонезия, Бангладеш, Шри-Ланка, Мали) электрон ҳукуматни шакллантириш учун технологик ечимларни етказиб бериш бўйича шартнома ҳам тузган. Бунгача, 2004-йилдан бошлаб Жанубий Кореяда электрон ҳукумат учун ишлаб чиқилган технологияларни импорт қилувчи асосий давлат Япония бўлган.

Жанубий Корея ҳукумати турли соҳаларда ахборот технологияларни қўллаш борасида илғор давлатлар қаторига киради. Мамлакатда, бир сўз билан айтганда, божхона ишидан тортиб то интеллектуал мулк масалаларигача автоматлаштирилган тизимга ўтган. Шунинг учун ҳам у ҳозирда дунёда электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича биринчи ўринда туради.

Назорат саволлари

1. Электрон ҳукумат тушунчаси
2. Электрон ҳукуматнинг вазифалари
3. Электрон ҳукуматнинг принциплари.
4. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффақият омиллари
5. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг хавф омиллари.
6. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
7. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни
8. Электрон ҳукумат жорий этишнинг жаҳон тажрибаси.

Адабиётлар ва интернет ресурслар

1. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, pages – 109.
4. United Nations E-Government Survey 2014. E-Government for the Future We Want, Printed at the United Nations, New York, 2014, pages – 284
5. <http://www.unapcict.org>
6. <http://www.un.org/desa>
7. <http://www.unpan.org/dpadm>
8. <http://www.unpan.org/e-government>
9. <http://unpan3.un.org/egovkb>

2 - мавзу: Электрон ҳукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари.

Режа:

- 2.1. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги.
- 2.2. Электрон ҳукумат ўзаро муносабат шакллари
- 2.3. Электрон ҳукумат инфратузилмаси

Таянч иборалар: E-Government, Government to Citizen, Government to Business, Government to Government, Government to Employees, Knowledge Management System, онлайн хизматлар, телекоммуникация инфратузилмаси, инсон капитали, электрон ҳукумат электрон ҳукумат инфратузилмаси.

2.1. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш департаменти ҳар икки йилда бир марта 193 аъзо мамлакатлар ичида электрон ҳукумат ривожланиш индекси рейтингини баҳолаш мақсадида суров ўтказди. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги мамлакатдаги қарор қабул қилувчи шахслар учун кучли ва кучсиз томонларини аниқлашнинг инструментал воситаси сифатида хизмат қилади. Электрон ҳукумат ривожланиш рейтингида уч марта кетма-кет 2010, 2012 ва 2014 йиллар давомида Корея Республикаси биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Австралия 2-ўрин, Сингапур 3-ўрин, Франция 4-ўринларни эгаллаб, 2012 йилга нисбатан кўтарилган. 2016 йилда Великобритания биринчи ўринни эгаллаб келмоқда, Австралия 2-ўрин, Корея 3-ўрин, Сингапур 4-ўринларни эгаллади. (жадвал 2.1.)

Жадвал 2.1. Жаҳондаги мамлакатларнинг 2016 йил ҳолати бўйича электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги ⁹

E-Government Development Index - Top 10 Countries		E-Participation Index - Top 11 Countries	
Country	Index	Country	Index
United Kingdom	0.9193	United Kingdom	1.0000
Australia	0.9143	Japan	0.9831
Republic of Korea	0.8915	Australia	0.9831
Singapore	0.8828	Republic of Korea	0.9661
Finland	0.8817	Netherlands	0.9492
Sweden	0.8704	New Zealand	0.9492
Netherlands	0.8659	Spain	0.9322
New Zealand	0.8653	Singapore	0.9153
Denmark	0.8510	Canada	0.9153
France	0.8456	Italy	0.9153
		Finland	0.9153

⁹ United Nations E-Government Survey 2016. E-Government for the Future We Want, Printed at the United Nations, New York, 2016

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 100-ўринни ва 2016 йил 80-ўринни эгаллади (жадвал 2.2).

Жадвал 2.2.
Электрон ҳукумат ривожланиш рейтингига собиқ Совет Иттифоқи ва МДҲ мамлакатлари (2016 йил)

№	Мамлакат	Ўрин	EGDI	№	Мамлакат	Ўрин	EGDI
1	Эстония	13	0,8334	9	Украина	62	0.6076
2	Литва	23	0.7747	10	Молдова Республикаси	65	0.5994
3	Қозоғистон	33	0.7250	11	Ўзбекистон	80	0.5434
4	Россия Федерацияси	35	0.7215	12	Арманистон	87	0.5179
5	Латвия	45	0.6810	13	Қирғизистон	97	0.4969
6	Беларусь	49	0.6625	14	Туркманистон	139	0.3366
7	Озарбайжон	56	0.6274	15	Тожикистон	140	0.3337
8	Грузия	61	0.6108				

Электрон ҳукумат ривожланиш индекси куйидаги учта индекс асосида аниқланади (расм 2.1):

- Онлайн хизматлар
- Телекоммуникация инфратузилмаси
- Инсон капитали



Расм 2.1. Электрон ҳукумат ривожланиш рейтинг

Онлайн хизматлар индекси

Электрон ҳукумат ривожланиш рейтингининг онлайн хизматлар индексида 10 миллий веб-сайтлар БМТ эксперти баҳолашидан ўтказилади. Булар Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси порталлари, Ҳукумат портали, Ягона интерактив давлат хизматлари порталидир. Бунда юқорида келтирилган миллий веб-сайтлар ўзларининг фуқароларига онлайн хизматлар кўрсатиш қобилияти баҳоланади.

БМТ онлайн хизматлар ривожланишининг тўртта босқичи¹⁰

1-босқич. Ахборот хизматларининг пайдо бўлиш босқичи

Давлат органлари веб-сайтлари давлат сиёсати, бошқарув, меъёрий-ҳуқуқий асослар, давлат хизматлари турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Давлат органлари веб-сайтлари вазирликлар ва бошқа давлат идораларига ҳаволаларга эга бўлади. Фуқаролар осонлик билан давлат органлари ҳақида маълумот олишлари ва ҳаволалар орқали ҳаракат қилишлари мумкин бўлади.

2-босқич. Кенгайтирилган ахборот хизматлари

Давлат органлари веб-сайтлари фуқаролар билан бир томонлама ёки давлат хизматлари ва тизимлари учун шаклларни кўчириб олиш каби икки томонлама алоқаларни таъминлайди. Давлат органлари веб-сайтлари аудио ва видео имкониятларига ва кўп тилли интерфейсга эга бўлади.

3-босқич. Транзакцион хизматлар

Давлат органлари веб-сайтлари давлат сиёсати, давлат дастурлари ва меъёрий ҳужжатлар ҳақида маълумотлар олиш ва суровлар жўнатиш каби фуқаролар билан икки томонлама алоқага эга бўлади. Транзакция муваффақиятли тамом бўлиш учун фуқаролардан аутентификация қилиш талаб этилади. Давлат органлари веб-сайтлари электрон сайлов каби молиявий бўлмаган транзакциялар, шаклларни кўчириб олиш ёки жойлаштириш, солиқларни онлайн тўлдириш, сертификатлар, лицензиялар ва рухсатномалар учун сўровлар жўнатиш операцияларини амалга оширади. Шунингдек, улар хавфсиз тармоқ орқали молиявий транзакцияларни ҳам амалга оширишади.

4-босқич. Богланган хизматлар

Давлат органлари веб-сайтлари ҳукумат билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабат усулини ўзгартиради. Ахборот, маълумотлар ва билимлар ҳукуматдан фуқароларга интеграциялашган тизимлар орқали узатилади. Ҳукуматга йўналтирилган ёндашувдан фуқароларга йўналтирилган ёндашувга ўтилади. Қарор қабул қилишда фуқароларнинг ҳукумат фаолиятида фаол иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришлари учун муҳит яратилади.

Бундан ташқари фуқароларнинг электрон иштирок этиши ва қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашишлари ҳукумат томонидан рағбатлантирилади. Бу электрон ҳукуматнинг энг мураккаб даражаси ҳисобланади. У қуйидагилар билан характерланади:

¹⁰ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page–37-38

1. Горизонтал боғланишлар (давлат органлари ўртасида)
2. Вертикал боғланишлар (марказий ва маҳаллий давлат органлари ўртасида)
3. Инфратузилмавий боғланишлар (мослашувчанлик)
4. Давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги боғланишлар
5. Манфаатдор томонлар ўртасида боғланишлар (давлат органлари, хусусий сектор, таълим муассасалари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти)

Телекоммуникация инфратузилмаси индекси

Телекоммуникация инфратузилмаси индекси электрон хизматларни етказиб бериш билан боғлиқ алоқа тармоқлари инфратузилмасига таалуқли қўйидаги беш асосий кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат. Ҳар бир ҳолатда Халқаро электралоқа иттифоқи (ITU) асосий манба ҳисобланади.

Бешта кўрсаткичлар:

1. 100 кишига нисбатан интернет фойдаланувчилар улуши
2. 100 кишига нисбатан телефон линиялари улуши
3. 100 кишига нисбатан уяли алоқа фойдаланувчилари улуши
4. 100 кишига нисбатан ажратилган кенг полосали тармоқ улуши
5. 100 кишига нисбатан симсиз кенг полосали тармоқ улуши

Инсон капитали индекси

Инсон капитали индекси иккита кўрсаткичлар: катталар саводхонлик даражаси ва бошланғич, ўрта ва ўрта махсус таълимни ўз ичига олган ёшлар саводхонлик даражасидан иборат. Катталар саводхонлик даражасига 2/3 қисм, ёшлар саводхонлик даражасига 1/3 қисм берилади. Маълумотлар асосан ЮНЕСКО маълумотларига асосланади ва БМТнинг тараққиёт дастури инсон ривожланиши ҳисоботи билан тўлдирилади.

Инсон капитали индексини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қўйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда:

1. Идоралараро ишчи гуруҳни шакллантириш;
2. Электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон рейтингини ошириш бўйича чора-тадбирларини тасдиқлаш;
3. Ягона очиқ маълумотлар порталини янада ривожлантириш;
4. Баҳоланувчи давлат идоралари веб-сайтларини такомиллаштириш учун молиялаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
5. БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департаменти ва ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорликни ташкил қилиш;
6. Ижтимоий тармоқлар ва форумларда давлат идоралари матбуот хизматларини фаоллаштириш.

2.2. Электрон ҳукумат ўзаро муносабат шакллари

“Электрон ҳукумат” тизими фуқаролар билан ҳокимият, турли ижтимоий хизматлар, қўмиталар, ташкилотлар, умуман олганда, исталган

даражадаги раҳбар ходим билан очик интерфаол режимда мулоқот қила олиш имкониятини яратади.

Шундай қилиб, “Электрон ҳукумат” тизими сарф-харажат талаб қиладиган тизим сифатида қаралмасдан, балки, давлат бошқарувини амалга ошириш тамойилининг жамиятни ахборотлаштиришдаги кенг кўламли элементи кўринишида қаралмоғи лозим.

Албатта, содир бўладиган ўзгаришлар сайлов тизими, қонунчилик фаолияти, барча даражадаги ҳокимиятларнинг фуқаролар олдидаги масъуллиги назоратини амалга ошириш тизимлари, уларнинг бирлашмалари ва тадбиркорлик фаолиятини қамраб олиши лозим. Қисқача қилиб айтганда, бу жараённи жамият ҳаёти асосини аниқловчи муҳим субъектларнинг ўзаро муносабатлари кўринишида тасаввур қилиш мумкин Булар: давлат, мамлакат фуқаролари, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларидир. Бунда фуқаролар биргаликда фуқаролик жамиятини ташкил этса, тадбиркорлик субъектлари эса мамлакатнинг иқтисодиётини аниқлайди, давлат эса ўзаро муносабатларни бирлаштирувчи ёки интеграцияловчи тизим ҳисобланади. Бу муносабатлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- Government-to-Government (G2G) - давлат бошқарув органларининг ўзаро алоқаларига йўналтирилган шакл;
- Government to Business (G2B) - давлат бошқарув органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга йўналтирилган шакл;
- Government to Citizens (G2C) - давлат бошқарув органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларга йўналтирилган шакл;
- Government-to-Non-profit (G2N) - давлат бошқарув органлари билан ноижорат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга йўналтирилган шакл;
- Government-to-Employee (G2E) - давлат бошқарув органлари билан унинг ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга йўналтирилган шакл;

Шундай қилиб, электрон ҳукуматда ҳамкорлик икки турда бўлиши мумкин: ички ва ташқи ҳамкорлик (расм 2.2.). Ички ҳамкорлик давлат органлари идоралар ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади. Ташқи ҳамкорлик давлат органлари билан фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва ноижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади¹¹.

¹¹ e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, page—43-44



Расм 2.2. Электрон ҳукуматда ҳамкорлик

Government-to-Government (G2G) модули

“Электрон ҳукумат” тизими, хусусан, унинг G2G модули тўғрисида сўз юритганда, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш, бу органларни аҳоли ва бизнес субъектлари билан ўзаро муносабат функцияларини қўллаб-қувватловчи компьютер тизимларини яратиш тушунилади. Агар идораларда ушбу жараёнлар автоматлаштирилмаган бўлса ёки электрон ҳужжат айланиши мавжуд бўлмаса, давлатнинг ички транзакциялари амалга оширилган ва қоғозсиз иш юритиш режими жорий этилган деб бўлмайди. Бу борада фақат алоҳида жорий қилинган амалиётлар, масалан, электрон почта орқали маълумот жўнатиб, қоғозга чоп этиб, мансабдор шахсга қўл қўйдириш жараёни электрон ҳукумат тизимидан йироқдир.

Ахборот технологияларини жорий этиш ва ахборот ресурсларини шакллантиришдан ташқари электрон ҳукумат норматив-ҳуқуқий база қабул қилишни ҳам талаб этади. Яъни, ҳужжат электрон кўринишининг қоғоздаги кўриниши билан ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга эканлиги ва у билан асосий бош ҳужжат кўринишида иш юритиш мумкинлигига асос бўла оладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар зарур бўлади. Буларга “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунларни мисол қилиш мумкин.

Муносабат ва алоқаларнинг ушбу модул ёрдамида ҳал этиладиган асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат бошқарув органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумот базаларини ягона тизимга интеграциялаш;
- барча давлат тузилмаларини электрон ҳужжат айланишига ўтказиш ва уни оптималлаштириш;

- давлат қарорларини ишлаб чиқишни, узатиш ва ижросини назорат қилишни оптималлаштириш;
- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлигини ошириш мақсадида ягона давлат порталини яратиш;
- давлат хизматчилари ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш ва уларнинг малакасини ошириш.

Government to Business (G2B) модули

Иқтисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг амалдаги тизимини давлат ва бизнес тузилмаларининг умумий иши йўлида – тадбиркорлик субъектларидан ҳар бирининг, бинобарин, мамлакатнинг раванқ топиши учун уларнинг тадрижий ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмига айлантиришдан иборатдир.

Муносабатларнинг ушбу модулида куйидагилар асосий субъект ҳисобланади: бюджет ва солиқларни тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар.

G2B модули куйидагиларни таъминлаши лозим:

- бизнес тузилмалари олдида турган қоғозбозлик ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;
- давлат бошқарувининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, тартибга солиш ва ҳужжатлар айланишининг рақамли технологияларини кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнларини ва транзакцияларни тезлаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш;
- қонунлар ва бозор талабларидан келиб чиқиб, ресурсларни мақсадга йўналтириб, эркин бошқариш.

Ушбу модул вазифаларини ҳал этиш учун бизнес субъектларига куйидаги хизматларни кўрсатишни назарда тутлади:

- компанияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;
- ваколатли ташкилотлардан лойиҳа ҳужжатларига рухсатномалар олиш ва улар билан келишиш (экология, қурилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш);
- лицензиялар олиш ва улар муддатини узайтириш;
- юридик маслаҳатлар, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш;
- бюджетга (даромад, фойда, қўшилган қиймат, йўл, ер солиқлари ва бошқалар) ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий корпоратив тўловларни амалга ошириш;
- бухгалтерия, молия, солиқ ва статистика ҳисоботларини расмийлаштириш ва бошқалар.

G2B хизматлари турли ижтимоий гуруҳ вакилларига йўналтирилган бўлиб, бу хизматларнинг асосий мақсади давлат билан боғлиқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришдан иборат.

Government to Citizens (G2C) модули

Давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизимлари бугунги кунда кўплаб мамлакатлар аҳолиси кундалик ҳаётига тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Давлат томонидан хизмат кўрсатишда бу хизмат қайси муассаса томонидан ва қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, энг асосийси фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишларига барҳам беришдан иборат. Бу хизматларга қуйидагиларни назарда тутмоқ жоиз:

- солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловлар: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к.ларни амалга ошириш;
- ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;
- шахсий ҳужжатлар – паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш;
- фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома бериш;
- шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик масалаҳат бериш хизматлари;
- иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;
- соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва бошқалар);
- олий ўқув юртларига кириш тест синовлари, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш ва бошқалар;
- даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш;
- кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни онлайн тизимида расмийлаштириш;
- турли бадаллар, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва шуларга ўхшаш бошқа хизматлар.

Электрон ҳукуматнинг фуқаролар учун йўналтирилганлигини бир муҳим жиҳати ҳукумат сайтларида фуқароларнинг мурожаатлари ахборот ёки хизматлари фойдаланишини осон бўлиши учун ва нима қидирсангиз топиш учун қулайликлар яратилмоқда. Шу муносабат билан, фуқаролар кўп давлат органлари порталларига киришни осон ва муаммосиз мулоқот қилиш имконини таъминлаш мақсадида ягона нуқта орқали кириш имкони яратилади. Ягонда ҳукумат портали ахборот ва хизматлар порталлари, идоралараро маълумотлар алмашинувини енгиллаштирувчи фойдали хизмат канали ҳисобланади. Бундан ташқари, ягона ҳукумат портали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги жуда муҳим алоқа воситасидир.

2.3. Электрон ҳукумат инфратузилмаси

Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат инфратузилмаси қуйидагилардан иборат (расм 2.3.):

- марказий маълумотлар базаларидан;
- идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимидан;

- давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуаларидан;
- давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан;
- Маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи.

Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари.

Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ягона марказлаштирилган ахборот манбаларини тақдим этувчи давлат ахборот ресурслари бўлиб, уларда давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун давлат органларининг асосий маълумотлари умумлаштирилади ва сақланади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш жараёнида электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларидаги ахборотдан фойдаланилади. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган бошқа ахборот давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларида сақланиши мумкин.

Электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



Расм 2.3. Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат инфратузилмаси

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг

мажмуалари.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида давлат органларининг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Давлат органлари томонидан ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини яратиш чоғида идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлаш учун электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари билан уларнинг интеграциялашуви имконияти назарда тутилган бўлиши керак.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими ахборотни тўплашга, сақлашга, унга ишлов беришга, уни узатишга ва алмашишга доир талаблар асосида ишлайди.

Давлат органларида фойдаланиладиган ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, асосан электрон ҳужжатлар тарзида яратилиши, жўнатилиши ва сақланиши керак.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида узатиладиган ҳужжатларнинг ва ахборотнинг рўйхати электрон давлат хизматларининг регламентлари билан белгиланади.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат органларининг электрон ҳукуматдаги ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ушбу органларнинг ваколатлари доирасида ахборотни тўплашни, сақлашни, излашни, унга ишлов беришни, шунингдек ундан фойдаланишни таъминлайди.

Давлат органларининг электрон ҳукуматдаги ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ахборотни тўплашни, сақлашни, излашни, унга ишлов беришни, шунингдек ушбу органларнинг ўзаро электрон ҳамкорлиги жараёнлари автоматлаштирилишини таъминлайдиган мажмуаларга бирлаштирилиши мумкин.

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

Электрон давлат хизматлари ариза берувчиларга давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси бўлган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

Электрон ҳукуматнинг маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи.

Электрон ҳукуматнинг маълумотларга ишлов бериш маркази электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг идоравий ва идоралараро ахборот тизимлари ҳамда ахборот ресурсларининг, электрон

ҳукумат марказий маълумотлар базаларининг сақланишини ва интеграциялашувини таъминлайди.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари идоравий ва идоралараро ахборот тизимларининг ҳамда ахборот ресурсларининг, электрон ҳукумат марказий маълумотлар базаларининг ўзаро ҳамкорлиги электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарори билан белгиланган “Республика миллий ахборот-коммуникация тизимларини 2013-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш комплекс дастури”нинг таркибига кирувчи “Электрон ҳукумат” тизими ахборот тизимлари мажмуалари ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича қуйидаги тадбирлар ва лойиҳалар рўйхати тасдиқланган:

“Электрон ҳукумат” тизимининг марказий маълумотлар базасини шакллантириш:

- Маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш механизмининг стандартлаштириш ҳисобига кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш ахборот тизимини жорий қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимини яратиш;

- Жисмоний шахслар маълумотлар базасини шакллантириш (ноёб идентификация билан);

- Юридик шахслар маълумотлар базасини шакллантириш (ноёб идентификация билан);

- Давлат бошқаруви тизимида ягона маълумотлар алмашиш регламенти ва шаклига асосан рўйхатдан ўтиш қўлланмаси ва таснифлагичлари маълумотлар базасини шакллантириш;

- Автотранспорт воситалари ҳисоби ва рўйхатга олиш бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш.

“Электрон ҳукумат” тизими доирасидаги ахборот тизимлари комплекслари:

- Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ривожлантириш;

- Хизматни етказиб бериш биллинг тизими билан янада интеграция қилиш ҳисобини олиб реал вақт оралиғида турли тўловларни амалга ошириш клиринг тизимини ташкил этиш;

- “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасини яратиш;

- “Электрон ҳукумат” тизими маълумотларини қайта ишлаш марказини ташкил қилиш;

- “Электрон ҳукумат” тизимининг барча тизимлари бўйича фойдаланувчиларни таснифлаш ягона тизимини яратиш ва жорий қилиш;

- Давлат харидлари соҳасида интерактив хизматлар тақдим қилиш учун “*Ҳарид*” ахборот тизимлари мажмуини интеграция қилиш;

- Солиқ солиш соҳасида интерактив хизматларни тақдим этиш учун “*Солиқ*” ахборот тизимлари мажмуини интеграция қилиш;
- Божхонада юкларни расмийлаштириш бўйича интерактив хизматларни тақдим этиш учун “*Божхона*” ахборот тизимлари мажмуини интеграция қилиш;
- Лицензия ва рухсатнома бериш жараёнлари соҳасида интерактив хизматлар тақдим қилиш учун “*Лицензия*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Соғлиқни сақлаш ва кейинчалик бирлашган Миллий соғлиқни сақлаш ахборот тизимини ривожлантириш соҳасида интерактив хизматлар тақдим қилиш учун “*Соғлиқни сақлаш*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Таълим соҳасида интерактив хизматлар тақдим қилиш учун “*Таълим*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Комунал хўжалик соҳасида интерактив хизматлар тақдим қилиш учун “*Комунал*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Судлар фаолияти, уларнинг қарорлари, қарорларнинг ижроси ҳамда нотариуслар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш ва сақлаш бўйича “*Адлия-2*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Давлат органларини йиғма статистик ахборотлар билан таъминлаш бўйича “*Давлат бошқаруви*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Нафақа таъминоти соҳасида интерактив хизматлар тақдим қилиш учун “*Нафақа*” ахборот тизимлари мажмуини яратиш;
- Давлат бюджетининг ижроси бўйича режалаштириш тўғрисида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тартибга солишни таъминлаш учун “*Бюджет*” ахборот тизимлари мажмуини интеграция қилиш.

Назорат саволлари

1. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги онлайн хизматлар индекси.
2. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги телекоммуникация инфратузилмаси индекси.
3. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги инсон капитали индекси.
4. Government-to-Government (G2G) - давлат бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари.
5. Government to Business (G2B) - давлат бошқарув органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар.
6. Government to Citizens (G2C) - давлат бошқарув органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

7. Government-to-Non-profit (G2N) - давлат бошқарув органлари билан нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.
8. Government-to-Employee (G2E) - давлат бошқарув органлари билан унинг ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар.
9. Электрон ҳукумат инфратузилмаси марказий маълумотлар базалари.
10. Электрон ҳукумат инфратузилмаси идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими.
11. Электрон ҳукумат инфратузилмаси давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуалари.
12. Электрон ҳукумат инфратузилмаси давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали.
13. Электрон ҳукумат инфратузилмаси маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи

Адабиётлар ва интернет ресурслар

1. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, pages – 109.
4. United Nations E-Government Survey 2014. E-Government for the Future We Want, Printed at the United Nations, New York, 2014, pages – 284
5. <http://www.unapcict.org>
6. <http://www.un.org/desa>
7. <http://www.unpan.org/dpadm>
8. <http://www.unpan.org/e-government>
9. <http://unpan3.un.org/egovkb>

IV БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz дан амалиётда фойдаланиш

Ишдан мақсад: Ягона интерактив давлат хизматлари порталини амалда қўллаш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи my.gov.uz портали, яъни Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан ID.uz ягона идентификация тизим орқали рўйхатдан ўтиши керак бўлади ҳамда интерактив хизматлар орқали давлат ташкилотига мурожаат этиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна

Ягона портал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сон қарори асосида ташкил этилган ҳамда мазкур Қарор билан қабул қилинган Низомга кўра фаолият юритади.

my.gov.uz – Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) 2013 йилнинг 1 июль куни ишга туширилган бўлиб, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида, шу жумладан «бир дарча» режимида фаолият кўрсатади.

Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мақсади фуқароларга интерактив давлат хизматларини кўрсатишдир. У ягона ойна режимида фаолият кўрсатади. Ягона портал замонавий технология ёрдамида фойдаланувчининг интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун мўлжалланган.


Унинг вазифалари:

- фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри му- рожаат қилиш учун имконият бериш;
- фойдаланувчиларни АКТ соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;
- фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- давлат органларига мурожаат қилинганда, фойдаланувчилар учун бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни барта- раф этиш;
- “электрон ҳукумат”ни янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига

замонавий АКТ ни жорий этишда кўмаклашиш.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013 йил 1 июлда ишга туширилди. У қуйидаги имкониятларга эга:

- Давлат ташкилотлари ва хизматларига оид маълумотлардан фойдаланиш.
- Давлат хизматидан фойдаланиш учун электрон шаклдаги сўровларни ва бошқа хужжатларни тўлдириш имконияти.
- Давлат хизматидан фойдаланиш учун сўров (Ариза) юбориш.
- Сўровларни ихтиёрий пайтда ва манзилдан юбориш.
- Сўров қабул қилиниши учун навбатда туриш зарурати бўлмайди.
- Сўровни юборувчи аризасининг бажарилишига оид маълумотлардан ихтиёрий пайтда хабардор бўлиш имконияти.
- Давлат хизматлари берилиши ҳақидаги сўровни бериш.
- Давлат хизмати сўрови натижаларини олиш имконияти.



1.1-расм

Шунингдек, Ягона портал орқали 120 дан ортиқ давлат органларига бевосита электрон тарзда мурожаат қилиш имконияти яратилган. Ва бу органлар рўйхати вақт ўтиши билан кенгайиб бормоқда.

Ягона портал орқали кўплаб фойдали ва зарур маълумотлар ҳам бериб борилади. Масалан, мазкур порталдан нотариал ҳаракатларнинг турлари ва

бундай ҳаракатларга тўланадиган давлат божлари (1), Ички ишлар органларининг Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликлар ва улар учун қўйиладиган жарималар миқдори (2), Йўл ҳаракати қондаси бузилиши юзасидан белгиланадиган жарималар миқдори (3), Давлат ўрмон фондидан ташқари, дарахтлар ва буталарни кесиш учун тўланадиган тўловлар миқдори ва яшил ўсимликларга етказилган зарар ва уларни ўзбошимчалик билан кесганлик учун жарима миқдорлари (4) билан танишиш мумкин.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари томонидан йўл қондаси бузилиши юзасидан белгиланадиган жарима миқдори бо'йича маълумот

Ўйланган йил	Ўйланган йил	Ўйланган йил	Ўйланган йил
12L.авида 1. сўраш	Ўйланган йил	Ўйланган йил	Ўйланган йил
12L.авида 2. сўраш	Ўйланган йил	Ўйланган йил	Ўйланган йил
12L.авида 3. сўраш	Ўйланган йил	Ўйланган йил	Ўйланган йил

1.2-расм. Йўл қондаси бузилгандаги жарималар миқдори ҳақида маълумот

Бундан ташқари порталдан ишонч телефонлари бўлими ҳам жой олган бўлиб, унда 19 та ишонч телефони кўрсатиб ўтилган.

Барча хизматлар	Барча ташкилотлар	Қисқа рақамлар	Тадбиркорлик	ИИҲ муҳокамаси	Кommunal то'ловлар
101 Yong'in xavfsizligi xizmati	102 Millitsiya	103 Tez yordam	104 Gaz xizmati	1050 Qutqaruv xizmati	1002 "DORI DARMON" AK (dorixonalar bo'yicha ma'lumot)
1054 "Suvsoz" DUK (avariya xizmati)	1055 Toshkent shahri kommunal xizmatlari bo'yicha dispatcherlik xizmati	1056 Kommunal-sozlash avariya tiklash xizmatlarining Markaziy dispatcherlik xizmati	1062 "Toshshahartransxizmat" AK ishonch telefoni	1064 TSH TT ma'lumot berish xizmati (shaharlar kodlari)	1065 "UZDIGITAL TV"
1086 Shahar telefonlarni ta'mirlash bo'yicha buyurtmani qabul qilish	1004 Aniq vaqt haqida ma'lumot berish xizmati	1001 Ob-havo ma'lumoti	1007 Bosh prokuratura ishonch telefoni	1068 ShTS (to'g'ri simlar ta'mirlash buyurosi)	1069 Dorixonalar bo'yicha ma'lumot

1.3-расм. Ишонч телефонлари рўйхати

Ва яна порталда фуқаролар томонидан сўралган саволларга берилган жавобларни ўзида мужассам этган “Кўп бериладиган саволлар” бўлими ҳамда бўш иш ўринлари рўйхати ҳам жой олган.

Ягона портал давлат интерактив хизматларидан фойдаланиш

тартиблари:

- Фойдаланувчи давлат интерактив хизматидан фойдаланиш рухсатнома асосида амалга оширилади.

- Фойдаланувчи аризасига асосан рухсатнома бериш ва уни беркитиб ёки ёпиб қўйиш ҳуқуқларига “Ўзинфоком” марка- зи ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари эга, яъни ушбу марказлар ушбу фаолиятни олиб бориш ваколатига эга ва масъул марказлар ҳисобланади.

- Жисмоний шахслар (ариза ва паспорт асосида) ва юридик шахслар (ариза ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида) учун шахсий кабинетдан эркин фойдаланишга рухсатнома бир ёки икки кун мобайнида масъул мар- казлар томонидан бериледи.

- Фойдаланувчи ўзи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар ўзгарганда беш кун муддатда бу ҳақда масъул марказга хабар бериши шарт.

Ягона портал орқали интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш тартиблари Ягона портал низомида батафсил келтирилган. Қуйида аризани бериш, жавоб бериш, рад этиш, кўриб чиқиш тартиби ва муддати ҳамда назоратига оид тартибларини қисқача келтирамыз.

Аризани бериш тартиби

- Фойдаланувчилар шахсий кабинет орқали ўз мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва давлат ташкилотларига юборишлари мумкин.

- Мурожаат бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда мурожаатларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган бир нечта давлат органларига юборилиши мумкин.

- Фойдаланувчи шахсий кабинетидан юборган мурожаат электрон рақамли имзо ва уларни идентификацияловчи бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

- Фойдаланувчи аризага зарур ҳужжатлар, хатлар ва расмларни илова қилиши мумкин.

Аризани қабул қилиш тартиби:

- Масъул ходим ариза қабул қилинганлиги тўғрисида фойдаланувчига хабар жўнатади.

Аризага жавоб бериш тартиби:

- Фойдаланувчи аризасига жавоб кўрсатилган почта манзилига юборилади.

- Фойдаланувчи аризаси мурожаатлар учун белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқилади.

- Фойдаланувчи аризасига жавоб олувчининг ёки бошқа ваколатли ходимнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Ариза рад этилиш тартиби: Қуйидагилар фойдаланувчи мурожаатини кўриб чиқишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

- Одобсизлик мазмунидаги мурожаатлар (ахлоқсиз ёхуд ҳақоратли иборалар, таҳдидлар, мантқиқ ва маъноси бўлмаган таклифлар ва шунга

ўхшаш мурожаатлар).

- Матнда тушунарсиз қисқартиришлар ёки реклама материаллари мавжуд бўлган аризалар.

- Таркибида аниқ аризалар, шикоятлар ёки таклифлар бўлмаган мурожаатлар.
- Рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилган рад жавоби фойдаланувчига бир иш куни мобайнида юборилади.

- Ариза ваколатига кирмайдиган давлат органларига тушганда, у беш кун муддатда, фойдаланувчи хабардор қилинган ҳолда тегишли органга юборилади.

Аризаларни кўриб чиқиш тартиби:

- Фойдаланувчи шахсий кабинет орқали берилган аризаси мажбурий қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда ушбу мурожаат Масъул ходим электрон почтасига келиб тушган сана – мурожаат қабул қилинган сана ҳисобланади. Аризаларни кўриб чиқиш муддати:

- Таклифлар – бир ойгача муддатда. Агар қўшимча ўрганишлар талаб қилинса, бу тўғрида фойдаланувчи ўн кун муддатда хабардор қилинади. Бунда муддат ариза олувчига тушгандан бошлаб ҳисобланади.

- Ариза ёки шикоятлар – ўн беш кун муддатда. Агар қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш ўтказиш, қўшимча ҳужжатлар талаб этилса – бир ойгача муддатда. Бунда муддат ариза Масъул ходимга тушгандан бошлаб ҳисобланади.

Ариза назорати ва жавобгарлик тартиби:

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тартибига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади.

- Давлат ташкилотлари раҳбарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари Ягона портал орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг асоссиз рад этилганлиги ва хизматлар сифатсиз кўрсатилганлиги учун жавоб берадилар.

- Фойдаланувчи аризада нотўғри маълумотлар берганлиги, уйдирма ва ҳақоратлар бўлган мурожаатлар узатганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ягона порталдан фойдаланишнинг фойдаланувчи учун баъзи имкониятлари

- Коммунал хизмат, электр энергия ва сув истеъмолчилари ушбу хизмат харажатлари ҳақидаги шахсий маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу имкониятдан фойдаланиш тартиби жуда осондир. Ушбу хизматга доир ариза ва шикоятларни Ягона портал орқали тезда жўнатиш ва ҳал қилиш имконияти яратилди. Бунда аризага ҳужжатлар ва расмларни илова қилиш имконияти мавжуд.

- Чет эл фуқаролари Ўзбекистонга виза расмийлаштириш учун интерактив хизматдан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун ҳамкасб ёки дўстларини безовта қилиш зарурати йўқолди. Тадбиркорлар учун онлайн

интерактив хизматлар Ягона портал самарали имкониятларидан бири алоқа натижалари СМС хабарлар ёрдамида жўнатилишидир. Бу алоқани қулай ва самарали бўлишини таъминлайди. Чунки фойдаланувчи ариза етиб борганлиги ва ишга тушганлиги ҳақида хабардор бўлади ва бу ҳақда Ягона порталдан хабарлар ёзиб, ходимларни қўшимча саволлар ва эътибор билан безовта қилмайди. Натижада фойдаланувчи безовта бўлмайди ва ходимлар қулай шароитда ариза кўрилиши тартибига риоя қилган ҳолда ишини давом эттиради.

Ягона порталдан 4 хил рўйхатдан ўтиш усули мавжуд:

1. SMS тасдиқлаш орқали яъни Ягона порталдан рўйхатдан ўтилади.
2. ID.uz – Ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтилади.
3. Электрон рақамли имзо орқали.
4. UzCARD ёрдамида.



1.4-расм

Мисол қилиб порталдан тўлақонли фойдаланиш ҳамда давлат органларига мурожаат қилиш учун ID.uz – Ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтишни мисол қилиб кўрамиз. Дастлаб ID.uz – Ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтилади.




1.5-расм

ID.uz- ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтиб, сўнг ягона порталга кираётганда айнан ўша ID профил орқали тизимга маълумотлар киритилади.



1.6-расм


Шундан сўнг, фойдаланувчи кабинети очилади. У ерда Профил, Юридик шахс, Менинг аризаларим, Менинг қораламаларим, Менинг маълумотларим каби бўлимлар мавжуд.



1.7-расм

Фойдаланувчининг шахсий кабинети

Профилда шахсий маълумотларни тахрирлаш имконияти мавжуд. Менинг аризаларим бўлимида юборилган аризалар рўйхати, уларнинг ҳолати ва уларга берилган жавоб хатлари билан танишиш имконияти мавжуд.



1.8-рasm

МУРОЖААТ ЮБОРИШИ

Ягона порталнинг энг қулай томони бу давлат органларига бевосита электрон мурожаат қила олиш имконияти борлигидир. Бу фуқароларга анча қулайликлар яратади. Агар илгари ёзилган мурожаатни чоп этиб, конвертга солиб, почтадан юбориб ёки бевосита фуқаронинг ўзи ўша мурожаат хатини давлат органи биносига олиб бориб бериб, ортиқча ҳаражат ва ҳаракат, асосийси қимматли вақтни йўқотган бўлса, эндиликда уйда ўтирган ҳолда ҳам, кўчага бир қадам чиқмасдан тегишлича шикоят қилиш, ариза ёки таклиф бериш имконияти мавжуд.

Қандай қилиб мурожаат қилиш мумкин?

Аввало юқорида таъкидланганидек, Ягона портал тизимига кирилади. Сўнгра порталнинг юқори ўнг бурчагида турган “Davlat tashkilotiga murojaat qilish” тугмаси босилади.

5 қадамдан иборат қуйидаги ойна очилади:



1.9-рasm

1-қadam. Мурожаатни ёзиш тартиб қоидалари ҳақида розилик билдирилади.

2-қадам. Сиз мурожаат қилаётган шахс турини танлайсиз: Жисмоний ёки юридик шахс. Агарда “Фойдаланувчи кабинети”даги “Профил” бўлимида шахсга тегишли маълумотларни киритилган бўлса, 2-қадамда автоматик равишда ўша маълумотлар пайдо бўлади.



1.10-расм

Мурожаат юбориш. 2-қадам

3-қадам. Мурожаат қилмоқчи бўлган ташкилот танланади.



1.11-расм

Мурожаат юбориш. 3-қадам

4-қадам. Мазкур қадам энг асосий босқич ҳисобланиб, бу ерда куйидаги маълумотларни тўлдирилади:

- Мурожаат соҳаси – нима масалада эканлиги;
- Мурожаат тури – ариза, шикоят ёки таклиф;
- Жавоб олиш йўли –электрон почта ёки почта орқали хат билан;
- Мурожаатнинг кўриниши – шахсий, оммавий;
- Мурожаат мавзуси – нима мавзуда мурожаат қилаётганлиги;
- Мурожаат матни – мурожаат батафсил тушунтирилади;
- Файлни илова қилиш – агар мурожаатга файл (ҳужжатнинг сканер

варианти, фото ёки видеоматериал ва ҳ.к.) илова қўшиш имконияти мавжуд.

Агарда барчаситўғри бажарганлиги тўлиқ ишонч хосил қилинса, учта вариант бўлади: Имзо чекиш, юбориш ва қораламани сақлаш. Имзо чекиш – бу ерда ЭРИ модули, яъни электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш мумкин. Юбориш – мурожаатни юбориш. Қораламани сақлаш – агарда ёзган мурожаат юбориш учун етарли деб ҳисобланмаса, ушбу тугма орқали уни сақлаб қўйиш ва кейинчалик яна таҳрир қилиб, юбориш имконият мавжуд бўлади.

1.11-расм

Мурожаат юбориш. 4-қадам


5-қадам. Мазкур қадам “Тамом” деб номланиб, мурожаатни юбориш ёки қораламага сақлаш тамомланганлигини билдиради.

МУРОЖААТГА ЖАВОБЛАР

Мурожаатга жавоб келганини қандай билиш мумкин?

Энг аввало фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун SMS хизмати жорий этилган. Яъни шахсий маълумотларда киритилган телефон рақамига учта ҳолатда SMS-билдиришномалар келади. Булар:

1. Мурожаат юборилганда.
2. Мурожаат кўриб чиқиш учун қабул қилинганда.
3. Мурожаатга жавоб берилганда.



1.12-расм

Шунингдек, мурожаат ҳолатини “Менинг аризаларим” саҳифасида ҳам кўриш мумкин. Агарда мурожаатга жавоб берилган бўлса, унда ўша мурожаат саҳифасида кўриниб туради.

Назорат саволлари

1. Интерактив хизматларни ўрганиш.
2. ID.uz ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтиш?
3. Интерактив хизматлардан фойдаланиб давлат ташкилотларига мурожаат юбориш
4. Профил бўлимини шакллантириш?

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. <http://www.e-kommunal.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>

2- амалий машғулот. Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали e-kommunal.uz дан амалиётда фойдаланиш


Ишдан мақсад: Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталини таҳлил қилиш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, коммунал хизматларини ягона ойна кўринишида интерактив хизматларни ўрганишга бағишланган.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи ek.uz, яъни Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталидан ID.uz ягона идентификация тизим орқали рўйхатдан ўтиши керак бўлади ҳамда электрон хисоблагичларни профилга киритиб онлайн тўловни амалга ошириши лозим.

Ишни бажариш учун намуна


Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали ek.uz

Порталнинг асосий вазифаси аҳолининг уй-жой-коммунал соҳа ва коммунал хизмат вакиллари, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг соҳанинг юқори ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришдир. Порталнинг мақсади – интерфаол ва ахборот хизматини кўрсатиш орқали коммунал хизматларининг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши учун ягона ахборот маконини ташкил этиш, коммунал хизматлар фаолиятида ошкораликни таъминлашдан иборат. Портал ёрдамида истеъмолчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш мақсадида коммунал хизмат ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти автоматлаштирилмоқда.




2.1-расм Ek.uz

Фойдаланувчи тизимдан фойдаланиш учун ID.UZ ягона идентификация тизимида рўйхатдан ўтиш керак бўлади.




2.2-расм Рўйхатдан ўтиш бўлими



2.3-расм ID.uz


Фойдаланувчи рўйхатдан ўтгандан сўнг хизматлар етказиб берувчиларининг реквизитларини билиб олиши, портал маъмуриятига савол билан мурожаат қилиш имконияти мавжуд. Шунинг таъкидлаш жоизки, фақат ўз профилидаги маълумотларни, мисол учун, ўз манзилини кўрсатгандагина бошқарувчи компанияларнинг реквизитларини билиб олиш учун «Хизматлар етказиб берувчиларим» хизматидан фойдаланиш имконияти берилади. Профилдаги барча маълумотлар таҳрир қилинади, шу сабабли янги яшаш жойига кўчиб ўтганда ахборотни янгилаш имконияти мавжуд.

Фойдаланувчи рўйхатдан ўтгандан сўнг юқори ўнг бурчакда фойдаланувчи исми ва фамилияси билан бир қаторда “хизматлар профили” пайдо бўлади. Бу хизматлар профилида «Мурожаатларим», «Хизматлар етказувчиларим», «Профилим» ва «Виджетларим» сервисларига менюси пайдо бўлади. «Профилим» бўлимида фойдаланувчи коммунал ҳисоб-рақамларини тўлдириш керак. Шундан сўнг «Виджетларим»да ресурсдан фойдаланувчи он-лайн режимда коммунал бўйича жорий ҳисобланмаларни кўриши мумкин.



2.4-расм


Натижада Виджет бўлимида совуқ сув, электроэнергия, табиий газ, иссиқ сув учун тўлаган пуллари ҳақида маълумотларни (қарз бўлса, қарзларни) кузатиб бориши имконияти мавжуд.



2.5-расм Онлайн виджет.

Интерактив хизматлар бўлими мавжуд. Бўлимда бир қанча хизматлар мавжуд

- коммунал хизматлар калкулятори
- коммунал хизматлари учун онлайн тўлов ва балансни текшириш
- қурилиш ва таъмирлаш ишлари смета калкулятори
- савол бериш
- сўровномалар
- муружаат
- тўлов варақаси



2.6-расм Интерактив хизматлар.

Е-kommunal порталида назарда тутилган яна бир интерфаол хизмат – «Коммунал хизматлар калькулятори». Бунда фойдаланувчи, ҳатто рўйхатдан ўтмасдан туриб, электр энергия, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, чиқинди учун қанча тўлаши кераклигини ҳисоблаши мумкин. Дастурда ҳисоблагичнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, хонадонда яшовчи кишиларнинг сонидан келиб чиқиб турли тарифлар қўйилган. Бу фақат жисмоний шахслар учун мўлжалланган.

История платежей

Тип услуги: Все услуги | Место: Все услуги

Номер телефона: | Номер прописки: | | |


Показать: | строк: | Дата:

№	Услуга	Адрес / Номер телефона	Сумма	Дата	Распечатать чек
137798	Газ	4004734	8,000.00	2017-03-15 17:59:44	<input type="button" value=""/>
137704	Электроснабжение	4004342	38,290.00	2017-03-15 17:58:25	<input type="button" value=""/>
121892	Электроснабжение	4004342	67,390.00	2017-02-18 15:46:24	<input type="button" value=""/>
120239	Теплая вода и отопление	4000811700	47,040.00	2017-02-06 20:06:30	<input type="button" value=""/>
120150	Газ	4004734	16,000.00	2017-02-05 17:41:57	<input type="button" value=""/>
445711	ОМС	91448826	15,000.00	2016-07-01 11:40:48	<input type="button" value=""/>


Показано с 1 по 6 из 6 строк

2.7-расм Урау орқали Онлайн тўлов бўлими

Коммунал хизматлари электр энергия, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, чиқинди учун u-рау ва mbank тўлов тизимлари орқали онлайн тўлов имконияти мавжуд.




2.9-расм Савол бериш бўлими.



2.10-расм. Мурожаат бўлими.

Мурожаат бўлимида мурожаат формасини тўлдирилади, зарур ҳолларда эса унга қўшимча файлларни қўшиш имконияти мавжуд. Сўнгра фойдаланувчи томонидан танланган соҳа ва тоифага қараб, тизим унинг мурожаатини тегишли давлат органига жўнатади.

ХАБАРНОМА / ИЗВЕЩЕНИЕ		Истеъмолчининг шахсий рақами/ Лицевой счет потребителя	10264724		
		Табий газни ҳисоблаш индивидуал асбобининг (ТГ ИҲА) давлат текширув муддати тугайди/ Срок госповерки индивидуального прибора учета природного газа (ИПУ ХВ) истекает			_____ г.
за 06/02/2017 17:41					
"Тошкентгаз таъминот" УК ҳ/р 20210000304551104001 "ИПОТЕКА БАНК" АТИБ Чирчик филиали, банк коди 00478, ИНН 206 808 945.					
Туман/Район		Субсчёт	МФО	ОКОНХ	ИНН
Тошкентгаз таъминот		22604000804551104092	201017	90214	206808945
Хонадон мулкдори Ф.И.Ш. / Собственник Ф.И.О.		КАРИМОВА			
Манзили/ Адрес		13 КВАРТАЛ 25 /7			
Транзакция "URAY"		1201703			
Транзакция "ЕОПЦ"		003432514739			
Табий газ/Природный газ					
ТГ ИҲА билан/ с ИПУ ПГ:		Жорий/ Текущие	м ²		
ТГ ИҲА кўрсаткичи/ Показания ИПУ ПГ		Олдинги/ Предыдущие	м ²		
ТГ ИҲА сиз / без ИПУ ПГ			киши.ой/ человек.мес		
Тулов муддат/ Период оплаты		от	(календарная дата)		
		до	(календарная дата)		
Сарфланган ИС / Расход ГВ		м ²			
Жами тўлов/ Итого к оплате					
Пеня					
Жами тўловлар/ Всего к оплате		10000			
тўланганлик белгиси отметка об оплате	ВНИМАНИЕ! Показания прибора учёта природного газа Пользователь указывает самостоятельно и под свою личную ответственность.				

2.11-расм. Тўлов варақаси

Тўлов варақаси хизматида танланган коммунал тури бўйича тўлов варақа ҳосил бўлади, тўлов варақа тўлдирилиб, чоп этиш имконияти ҳам мавжуддир.

Назорат саволлари

1. Янги коммунал хизматлардан қандай фойдаланилади?
2. ID.uz ягона идентификация тизимидан рўйхатдан ўтиш?
3. Коммунал хизматларни онлайн тўлашда хизматлар кетма-кетлиги
4. Вижет бўлимини шакллантириш?

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2015 йил 9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда. 3-15 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. <http://www.e-kommunal.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>

3- ва 4-амалий машғулот. Электрон ҳукумат тизими интерактив хизматларини ташкил этиш

Ишдан мақсад: Янги хизматнини структуравий таҳлил қилиш. Унинг ресурслари, фаолият мақсадлари, қутилиши режалаштирилган натижалар ва тизимнинг идивидуал таснифларини ўрганишга бағишланган.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи BPWin дастурини ўрнатиши ва янги хизматнинг қадамларини аниқлаши лозим:

Ишни бажариш учун намуна Янги интерактив хизматларни яратиш


Э-ҳукумат тизимига янги хизматларни яратиш ва уларни киритиш, э-ҳукумати тизимини хаётий ривожланишнинг асосий жиҳатларидан ҳисобланади. Э-ҳукумат тизимидаги хизматларни етказиб бериш, иложи борича инсон иштирокисиз бажарилиши, хатоликларнинг камлиги ҳамда хизматнинг сифати юқори бўлишигига асосий сабабчи бўлиши аниқланган.

Тизимни автоматлаштиришдаги энг асосий ғоя — “қоғозбозлик” сиёсатини тамомлаш, ёки ушбу фаолиятга асосланган жараёнлар ҳажмини ҳеч бўлмаганда қисман камайтириш тушунилади.

Амалий ишни бажаришда BPWin дастури таркибидаги IDEF0 ва IDEF3 воситалардан фойдаланиш мумкин.

Ушбу амалий ишни бажариш учун 1-2 амалий ишлар бажарилгандан сўнг олинган натижаларига асосланади. Яъни ҳозирги кунга келиб давлатимизнинг э-ҳукумат тизимида мавжуд бўлмаган хизматни аниқлаб, ушбу хизматни яратиш мақсади долзарб ҳисобланади.


Янги хизматларни яратиш BPWin дастурида хизмат моделини қуришдан бошланади.



3.1-расм. BPwin дастури иш столи


Сўнгра ушбу дастур таркибидаги IDEF0 ва IDEF3 методи асосида диаграммалар шакллантириб борилади.

Дастурдан фойдаланиб, ускуналар панелидан янги модел яратиб унга ном берилади.




3.2-расм. Янги модел яратиш

Яратилаётган янги моделга ном берилади ва унинг методологияси танланади. Дастлабки моделни IDEF0 методологиясидан фойдаланиб яратилади. Сўнгра модел муаллифи ва яна бир неча созлашлар амалга оширилади.




3.3 - расм. Модел яратишдаги дастлабки созлашлар

Кейинги қадамда эса қуйидаги расмда келтирилган ойна очилади. Бунда модел яратилиши учун барча қисмлар ва панеллари мавжуд.



3.4 -расм. Дастлабки ишчи ойна

Энди эса дастлабки моделни кўринишини ишлаб чиқиш мумкин.




3.5 -расм. Модел кўриниши

Ушбу моделни қуришда моделнинг чап томонида «кириш». Тepadан «бошқарув». Пастдан «норматив ҳужжатлар ва қоидалар». Ўнг томонда эса яратилган «хизмат» жойлаштирилади.

Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг, янги хизматни яратишнинг IDEF0 моделининг ички амалларини таҳлил қилиб чиқиш лозим. Бунинг учун дастур менюсида жойлашган ▲ ▼ тугмасини босиб, IDEF3 танланади ва янги хизматни яратиш учун хизматнинг бажарилишини кадамли равишда ёритиб чиқиш лозим. Янги хизматнинг э-ҳукумати тизимига киритиш учун бажарилиш қуйидаги кетма-кетликда ифодаланиши мумкин:

1. Хизмат қандай техник талабларда ишлайди
2. Хизмат соҳасини аниқлаш (вазирлик, кўмита ва агентлик)
3. Ижро тури (худудий ёки маҳаллий)
4. Хизмат ижросини бажаришни таъминлаш
каби бажариладиган амаллар таҳлил қилиниши лозим.



3.6 -расм. IDEF3 модели кўриниши

Ишнинг бажарилиш тартиби

1. Яратилиши режалаштирилган янги хизмат танлаб олиш ва уни вазирлик, қўмита ва агентлик ва идораларидан олиш жараёни ва ундан қайси мақсадларда фойдаланиш алгоритмлари (аънаввий усулда э-хукумати тизимини ишлатмасдан).
2. BPWin дастурида хизматнинг моделини қуриш ва э-хукумат тизимига киритиш таҳлили
3. Хизмат олиш жараёнидаги ички ва ташқи амалларга изох бериш (IDEF3)
4. Хизмат олиш давомийлигини аниқлаш
5. Натижа ва Хулосалар.

Назорат саволлари

1. Янги хизматлар қандай яратилади?
2. Хизмат олиш жараёнидаги ички ва ташқи амаллар?
3. BPWin дастурида хизматнинг моделини қуриш кетма-кетлиги
4. э-хукумат тизимига янги хизматларни киритиш?

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://www.e-kommunal.uz>
2. <http://www.my.gov.uz>

V БЎЛИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари комплекслари ва марказий маълумотлар базасини ҳақида презентациялар тайёрланг:

- Кўчмас мулк;
- Миллий геоинформацион тизим;
- Жисмоний шахслар;
- Юридик шахслар;
- Справочниклар ва классификаторлар;
- Автотранспорт;
- “Клиринг” ахборот тизимлари комплекси;
- “Ҳарид” ахборот тизимлари комплекси;
- “Солиқ” ахборот тизимлари комплекси;
- “Божхона” ахборот тизимлари комплекси;
- “Лицензия” ахборот тизимлари комплекси;
- “Соғлиқни сақлаш” ахборот тизимлари комплекси;
- “Таълим” ахборот тизимлари комплекси;
- “Коммунал” ахборот тизимлари комплекси;
- “Адлия–2” ахборот тизимлари комплекси;
- “Давлат бошқаруви” ахборот тизимлари комплекси;
- “Нафақа” ахборот тизимлари комплекси;
- “Бюджет” ахборот тизимлари комплекси.

Тест саволлари

1. Корея Республикасида АКТ ривожланиш босқичларининг тўғри кетма-кетлигини кўрсатинг?

- A) Компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, электронлаштириш, конвергенция
- B) Ахборотлаштириш, компьютерлаштириш, электронлаштириш, конвергенция
- C) Электронлаштириш, компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, конвергенция
- D) Конвергенция, компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, электронлаштириш

2. Корея Республикасида “Электрон ҳукумат тўғрисида” ги Қонуннинг асосий мақсади.

- A) Бошқарувнинг самарадорлиги, очиқлиги ва демократлашувини кучайтириш орқали фуқароларнинг турмуш тарзи сифатини ошириш
- B) АКТни ривожлантириш
- C) Ишчи ўринларни кўпайтириш
- D) Компьютер саводхонлигини ошириш

3. БМТнинг Электрон ҳукумат ривожланиш индекси қайси кўрсаткичларни

ўз ичига олади?

- A) Онлайн хизматлар, телекоммуникация инфраструктураси ва инсон капитали
- B) Мобил фойдаланувчилар, интернет фойдаланувчилар ва компьютерлаштириш
- C) Онлайн хизматлар, локал тармоқ ва миллий доменлар
- D) Онлайн хизматлар, телекоммуникация инфраструктураси ва миллий доменлар

4. Корея Республикасида “Minwon 24” ахборот тизими электрон ҳукуматнинг қайси модели асосида ишлайди?

- A) G2C B) G2B C) G2G D) B2B

5. Корея Республикасида “Он-нара” ахборот тизими электрон ҳукуматнинг қайси модели асосида ишлайди.

- A) G2G B) G2C C) G2B D) B2B

6. БМТнинг 2010, 2012, 2014 йилларда «Электрон ҳукумат ривожланиш индекси» бўйича Корея Республикаси нечанчи ўринни эгаллаган?

- A) 1 B) 2 C) 3 D) 4

7. Электрон ҳукуматнинг G2B модели қандай субъектлар ўртасидаги муносабатни англатади?

- A) Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари
- B) Давлат органлари ва аҳоли
- C) Давлат органлари ўртасидаги муносабатлар
- D) Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли

8. Электрон ҳукуматнинг G2C модели қандай субъектлар ўртасидаги муносабатни англатади?

- A) Давлат органлари ва аҳоли
- B) Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари
- C) Давлат органлари ўртасидаги муносабатлар
- D) Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли

9. Электрон ҳукуматнинг G2G модели қандай субъектлар ўртасидаги муносабатни англатади?

- A) Давлат органлари ўртасидаги муносабатлар
- B) Давлат органлари ва аҳоли
- C) Давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари
- D) Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1989 сонли Қарорида белгиланишича Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказлари (Data Center) лар ташкил этилади?

- A) Тошкент, Қўқон, Бухоро
 B) Тошкент, Бухоро, Хива
 C) Тошкент, Самарқанд, Хива
 D) Қўқон, Бухоро, Хива
11. Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини 2013-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси Раисини топинг.
 A) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
 B) Ўзбекистон Республикаси Президенти
 C) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
 D) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
12. “Электрон ҳукумат” ва “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” марказлари қайси давлат органи қошида ташкил этилган?
 A) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
 B) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
 C) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
 D) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
13. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини тўғри кўрсатинг.
 A) www.gov.uz B) www.hukumat.uz
 C) www.kabmin.uz D) www.prezident.uz
14. Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталини тўғри кўрсатинг.
 A) www.my.gov.uz B) www.service.uz
 C) www.davlat.uz D) www.interaktiv.uz
15. Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталини тўғри кўрсатинг.
 A) www.data.gov.uz B) www.my.gov.uz
 C) www.open.data.uz D) www.data.uz
16. Ўзбекистон Республикасининг Миллий қидирув тизими интернет манзилини тўғри кўрсатинг.
 A) www.uz B) www.search.uz
 C) www.qidiruv.uz D) www.poisk.uz
17. Ўзбекистон Республикасининг “UZ” миллий домени администратори интернет манзилини тўғри кўрсатинг.
 A) www.cctld.uz B) www.uz
 C) www.admin.uz D) www.domen.uz

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг интернет манзилини тўғри кўрсатинг.

- A) www.senat.uz B) www.oliy.uz
C) www.majlis.uz D) www.parliament.uz

19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси интернет манзилини тўғри кўрсатинг.

- A) www.parliament.gov.uz B) www.senat.uz
C) www.oliy.uz D) www.majlis.uz

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг интернет манзилини тўғри кўрсатинг.

- A) www.prokuratura.uz B) www.prokuror.uz
C) www.prosecutor.uz D) www.boshprokuratura.uz

21. Ўзбекистон Республикаси “Электрон ҳукумат” тизими босқилари тўғри кетма-кетлигини кўрсатинг.

- A) Маълумотларни интернетда нашр этиш, электрон справочниклар ва информацион хизматлар, давлат органлари бизнес-жараёнларини реинжиниринг қилиш, интерактив транзакцион хизматларни кўрсатиш
B) Интерактив транзакцион хизматларни кўрсатиш, маълумотларни интернетда нашр этиш, электрон справочниклар ва информацион хизматлар, давлат органлари бизнес-жараёнларини реинжиниринг қилиш
C) Давлат органлари бизнес-жараёнларини реинжиниринг қилиш, маълумотларни интернетда нашр этиш, электрон справочниклар ва информацион хизматлар, интерактив транзакцион хизматларни кўрсатиш
D) Электрон справочниклар ва информацион хизматлар, маълумотларни интернетда нашр этиш, давлат органлари бизнес-жараёнларини реинжиниринг қилиш, интерактив транзакцион хизматларни кўрсатиш

22. Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини 2013-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш комплекс дастурида қайси маълумотлар базасини яратиш белгиланган?

- A) жисмоний шахслар, юридик шахслар, автоуловлар, кўчмас мулк, геоинформацион тизим, справочник ва классификаторлар
B) жисмоний шахслар, юридик шахслар, ўрмон хўжалиги, талабалар, геоинформацион тизим, олий ўқув юртлари
C) фармацевтика, юридик шахслар, енгил саноат, кўчмас мулк, мактаблар, справочник ва классификаторлар
D) жисмоний шахслар, мактабгача таълим муассасалари, автоуловлар, хайвонлар, геоинформацион тизим, ўсимликлар

23. “SWOT-таҳлил” методидаги S нимани англатади?
 А) Кучли томонлари В) Заиф кучсиз томонлари
 С) Имкониятлари Д) Тўсиқлар
24. “SWOT-таҳлил” методидаги W нимани англатади?
 А) Заиф кучсиз томонлари В) Кучли томонлари
 С) Имкониятлари Д) Тўсиқлар
25. “SWOT-таҳлил” методидаги O нимани англатади?
 А) Имкониятлари В) Заиф кучсиз томонлари
 С) Кучли томонлари Д) Тўсиқлар
26. “SWOT-таҳлил” методидаги T нимани англатади?
 А) Тўсиқлар В) Заиф кучсиз томонлари
 С) Имкониятлари Д) Кучли томонлари
27. Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?
 А) 2015 йил 9 декабр В) 2015 йил 18 ноябрь
 С) 2015 йил 3 декабр Д) 2015 йил 11 декабр
28. Электрон давлат хизмати нима?
 А) ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.
 В) электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат
 С) давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш
 Д) давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс
29. Электрон ҳукумат тўғрисидаги қонунда "электрон ҳукумат"га берилган таъриф ни кўрсатинг.
 А) давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими
 В) электрон ҳукумат термини ҳукумат томонидан АКТдан фойдаланиб, бир қатор амалий функцияларини тўлақонли бажариши назарда тутуди
 С) интернет ва тегишли технологиялар томонидан таклиф этилган тармоқ салоҳияти тузилмалари ва ҳукуматнинг ишлаш жараёнини трансформацияси тушунилади
 Д) фуқароларга давлат хизматларини яхшироқ этказиб бериш, бизнес ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мулоқотни такомиллаштириш, керакли

маълумотларни олиш орқали фуқаро ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ёки янада самарали давлат бошқарувини амалга ошириш

30. BPR нима?

- A) Бизнес жараёнларни мақбуллаштириш
- B) Ишчи-ходимлар жараёнларни мақбуллаштириш
- C) Бизнес жараёнлар мониторинги
- D) Бизнес жараёнларни тиклаш

31. БМТ нинг Электрон ҳукумат баҳолаш индексининг нечта субиндекси мавжуд?

- A) 3
- B) 2
- C) 4
- D) 5

32. 2013-2020 йиллар мобайнида Электрон ҳукуматни ривожлантириш комплекс дастурида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича нечта тадбир ва лойихалар яратилади?

- A) 28
- B) 38
- C) 48
- D) 58

33. Республика миллий ахборот-коммуникация тизимини 2013-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш комплекс дастури бўйича телекоммуникация технологиялари бўйича нечта лойиха яратилади?

- A) 17
- B) 27
- C) 37
- D) 47

34. “Электрон ҳукумат” тизими доирасидаги нечта маълумотлар базаси яратилмоқда?

- A) 6
- B) 12
- C) 10
- D) 8

35. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталини кўрсатинг

- A) www.regulation.gov.uz
- B) www.my.gov.uz
- C) www.hukumat.uz
- D) www.kabmin.uz

36. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси интернет манзилини кўрсатинг.

- A) www.lex.uz
- B) www.qonun.uz
- C) www.milliybaza.uz
- D) www.milliyqonun.uz

37. Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалиги ва уй-жой фонди порталини кўрсатинг.

- A) www.e-kommunal.uz
- B) www.uyjoy.uz
- C) www.xujalik.uz
- D) www.kommunalxujalik.uz

38. Ўзбекистон Республикаси давлат дастурлари порталини кўрсатинг.

- A) www.dd.gov.uz
- B) www.dastur.uz
- C) www.davlat.uz
- D) www.davlatdastur.uz

39. Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари нима?

- А) ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар
- В) давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат
- С) ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати
40. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш нима?
- А) давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш
- В) ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар
- С) электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат
- Д) ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати
41. Электрон давлат хизматининг регламенти нима?
- А) электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат
- В) давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш
- С) ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар
- Д) ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати
42. Қайси бир жавоб электрон ҳукуматнинг асосий принципларига мос келмайди?
- А) давлат органларининг ҳужжатларини турли хил қилиш
- В) давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги
- С) «бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш
- Д) электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш
43. Қуйидагиларнинг қайси бири электрон ҳукумат инфратузилмасига кирмайди?
- А) Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари
- В) идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими
- С) марказий маълумотлар базалари

D) давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуалари

44. Қуйидагиларнинг қайси бири ариза берувчининг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқларига кирмайди?

- A) электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш
- B) электрон давлат хизматларини ўз вақтида ва электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламентларига мувофиқ олиш
- C) электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш
- D) электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолашда иштирок этиш

45. Қуйидагиларнинг қайси бири давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатларига кирмайди?

- A) электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади
- B) электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш
- C) ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради
- D) ариза берувчиларнинг танловига кўра электрон давлат хизматларини олиш имкониятини таъминлайди

46. Қуйидагиларнинг қайси бири электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатларига кирмайди?

- A) электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади
- B) электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини амалга оширади
- C) электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади
- D) давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради

47. Қуйидагиларнинг қайси бири электрон давлат хизматларига доир талабларга кирмайди?

- A) тўлиқ ва ишончли бўлмаган ва ҳимоя қилинмаган ахборотни ўз ичига олиши керак
- B) қонун ҳужжатлари асосида ва ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ҳамда алмашиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилиши

- C) электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламенти асосида кўрсатилиши
- D) шахсга доир маълумотларга ишлов беришни назарда тутувчи хизматлардан ариза берувчиларнинг хавфсиз фойдаланишини таъминлаши

48. Қуйидагиларнинг қайси бири электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўровга доир талабларга кирмайди?

- A) Ариза берувчининг идентификацияланишини талаб этмайдиган электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўров, қоида тариқасида, электрон ҳужжат тарзида бўлмаслиги мумкин
- B) Электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўровнинг таркибига, ҳажмига, идентификациясига, уни расмийлаштириш ва юбориш тартибига доир талаблар электрон давлат хизматининг регламенти билан тасдиқланади
- C) Ариза берувчининг идентификацияланишини талаб этувчи электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўров, қоида тариқасида, электрон ҳужжат тарзида бўлиши керак
- D) Электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисида электрон ҳужжат тарзида юборилган сўров қоғоз шаклида юборилган сўровга тенглаштирилади

49. Қуйидагиларнинг қайси бири сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича бериладиган жавобга доир талабларга кирмайди?

- A) Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича электрон ҳужжат тарзида юборилган жавоб қоғоз шаклида юборилган жавобга тенглаштирилмайди
- B) Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича бериладиган жавобнинг таркибига, ҳажмига, идентификациясига, уни расмийлаштириш ва юбориш тартибига доир талаблар электрон давлат хизматининг регламенти билан тасдиқланади
- C) Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича ариза берувчига юбориладиган жавоб, қоида тариқасида, электрон ҳужжат тарзида бўлиши ва электрон давлат хизматининг регламентида белгиланган муддатларда юборилиши керак
- D) Сўралаётган электрон давлат хизмати бўйича электрон ҳужжат тарзида юборилган жавоб қоғоз шаклида юборилган жавобга тенглаштирилади

50. Электрон давлат хизматлари қандай турларда бўлишими мумкин?

- A) ахборот ва интерактив давлат хизматлари
- B) онлайн ва интерактив давлат хизматлари
- C) юқори ва қуйи даражадаги давлат хизматлари
- D) Республика ва вилоят даражасидаги давлат хизматлари

VI БЎЛИМ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари

1. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Австралия тажрибаси.
2. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Сингапур тажрибаси.
3. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Франция тажрибаси.
4. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Голландия тажрибаси.
5. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Япония тажрибаси.
6. Электрон ҳукумат жорий этишнинг АҚШ тажрибаси.
7. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Буюк Британия тажрибаси.
8. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Янги Зеландия тажрибаси.
9. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Финландия тажрибаси.
10. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Канада тажрибаси.
11. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Испания тажрибаси.
12. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Норвегия тажрибаси.
13. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Швеция тажрибаси.
14. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Эстония тажрибаси.
15. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Дания тажрибаси.
16. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Исроил тажрибаси.
17. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Бахрайн тажрибаси.
18. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Исландия тажрибаси.
19. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Австрия тажрибаси.
20. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Германия тажрибаси.
21. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Ирландия тажрибаси.
22. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Италия тажрибаси.
23. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Люксембург тажрибаси.
24. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Белгия тажрибаси.
25. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Россия тажрибаси.
26. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Туркия тажрибаси.
27. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Малайзия тажрибаси.
28. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Хитой тажрибаси.
29. Электрон ҳукумат жорий этишнинг Қозоғистон тажрибаси.

VII БҮЛІМ

ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Government to Citizen	Давлат бошқаруви органлари билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар	Relationships between organizations (subjects) of public administration and a citizen(s).
Government to Business	Давлат бошқаруви органлари билан юридик шахслар (тадбиркорлар) ўртасидаги муносабатлар	Relationships between organizations (subjects) of public administration and enterprises (businesses).
Government to Government	Интеграллашган маълумотлар базаси ёрдамида давлат органлари ва идоралари ўртасида маълумот алмашиш ва онлайн режимида муносабатни амалга ошириш имконини беради.	Allows for online communication and information sharing among government departments or agencies through integrated databases.
Government to Employees	Давлат органлари ходимлари билан давлат органи ички муносабатларини бошқариш	Consists of initiatives that will facilitate the management of the civil service and internal communication with government employees.
Knowledge Management System	Билимларни бошқариш тизими - билимларни бошқариш тамойилларидан фойдаланиш ва қўллаш тизими ҳисобланади.	A knowledge management system (KMS) is a system for applying and using knowledge management principles.
Business Process Reengineering	BPR – бу жорий регламентларни унумдорлигини максимал даражада ошириш мақсадида, уларни ташкилотнинг ўз вазифасини бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини тубдан мақбуллаштириш орқали бутунлай қайтадан лойиҳалаштиришдир.	Business Process Reengineering (BPR) is the practice of rethinking and redesigning the way work is done to better support an organization's mission and reduce costs.

VIII БЎЛИМ

АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар.

1. e-Government Applications, by Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh, printed in Scand-Media Corp., Ltd., Republic of Korea, in 2011, pages – 109.
2. United Nations E-Government Survey 2014. E-Government for the Future We Want, Printed at the United Nations, New York, 2014, pages - 284

Интернет ресурслар

3. <http://www.unapcict.org>
4. <http://www.un.org/desa>
5. <http://www.unpan.org/dpadm>
6. <http://www.unpan.org/e-government>
7. <http://unpan3.un.org/egovkb>